

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

41-сон
(1009)
2021 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

606. ««Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрдаги ўРҚ–721-сон Қонуни
607. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ўРҚ–722-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

608. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ–5259-сон қарори
609. «Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ–5260-сон қарори

610. «Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ–5261-сон қарори

Учинчи бўлим

611. «Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 октябрдаги 634-сон қарори
612. ««Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яқка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарори
613. «Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 октябрдаги 643-сон қарори
614. «Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга малакали ўқитувчи-педагогларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 646-сон қарори
615. «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 649-сон қарори

Бешинчи бўлим

616. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 5 октябрдаги 59-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057-1*)
617. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил

6 октябрдаги 26-сон «Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062-1*)

618. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 8 октябрдаги 27-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-6*)

619. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 21 сентябрдаги 54-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтихонларни топшириш харажатлари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3325*)

620. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 октябрдаги 32-2021-сон, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 21-тн-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2021 йил 10 октябрдаги 562-сон «Академик лицейлар, касбунарс коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

606 «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 15 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модданинг:

олтинчи ва **ўн тўртинчи хатбошиларидаги** «хамда тегишли паспортга эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ийгирма иккинчи хатбошисидаги «рухсатномага» деган сўз «малака сертификатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 8-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тренинги фаолияти билан шуғулланиш учун малака ошириш курсларини ташкил этади;

қабул қилиб олишда ва спорт мусобақалари ўтказилишидан олдин жисмоний тарбия-соғломлаштириш ёки спорт иншоотларининг белгиланган стандартларга мувофиқлигини текширади»;

3) 32-модданинг учинчи қисмидаги «рухсатномага» деган сўз «малака сертификатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 октябрда эълон қилинган.

қилинган «**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 754–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **18-моддасининг еттинчи хатбошисидаги** «лицензия» деган сўз «рухсатнома» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда; № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **14-моддасининг биринчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Ветеринария тўғрисида**»ги 935–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–397-сонли Қонуни таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 453-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** «лицензиялашни амалга оширади» деган сўзлардан кейин «ветеринария даволаш-профилактика фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилади ва уларнинг реестрини юритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **11-модданинг «к» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) давлат ва идоравий ветеринария хизматлари ветеринария мутахассисларининг фаолиятини назорат қилади ҳамда мувофиқлаштириб боради, шунингдек белгиланган талаблар ва шартларга хусусий ветеринария фао-

лиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни белгиланган тартибда амалга оширади»;

3) **17-модданинг иккинчи қисми** «амалга ошириш учун» деган сўзлардан кейин «(бундан ветеринария даволаш-профилактика фаолияти мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) **190-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«190-модда. Фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш

Хабардор қилиш тартибида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият (ҳаракатлар) билан хабарнома юбормасдан шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жа-

рима ёки бир йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёхуд бир юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдорида жарима ёки икки юз соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёхуд икки юз ўттиз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки ўн ойгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўқсон баравари миқдорида жарима ёки икки юз эллик соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик беш баравари миқдорида жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда фаолият билан лицензиясиз, шунингдек фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёки хабарнома юбормасдан шуғулланиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси-**

нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **70²-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «лицензиясиз» деган сўз «рухсатномасиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **165-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«165-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган шахс томонидан ваколатли органга қонунчиликда мазкур фаолият учун

белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида ёлгон ёки нотўғри ахборот тақдим этиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хабардор қилиш тартибида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият (ҳаракатлар) билан хабарнома юбормасдан шуғулланиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

3) қуйидаги мазмундаги **245⁹-модда** билан тўлдирилсин:

«245⁹-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва ўринбосарлари ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, 2020 йил № 1, 2-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модданинг иккинчи, тўртинчи, олтинчи, еттинчи, ўн биринчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн олтинчи қисмларидаги, 23-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 27-моддадаги, 28-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги, 29 ва 30-моддалардаги, 31-модданинг биринчи қисмидаги, 32-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, еттинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, 34-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 43-модданинг иккинчи қисмидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «лицензия» деган сўз тегишли сон ва келишиқдаги «рухсатнома» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **26-модданинг:**

номи ва биринчи қисмидаги «лицензия» деган сўз «рухсатнома» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «Лицензия» деган сўз «Рухсатнома» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «лицензиялар» деган сўз «рухсатномалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рухсатнома:

рухсатнома эгаси ҳақидаги маълумотларни»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахслар ўзи қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олишга рухсатнома олиш учун фойдали қазилмаларнинг аниқланган кон бўйича захиралари белгиланган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб бир йил давомида мутлақ ҳуқуққа эга бўлади. Мутлақ ҳуқуқ бериш муддати ўтганидан сўнг уларда ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун рухсатномани очиқ ким ошди савдоларида олишга бўлган устун ҳуқуқ сақланиб қолади»;

олтинчи қисмидаги «лицензия» деган сўз «рухсатнома» деган сўз билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «ва ломбардлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 12-модда биринчи қисмининг:

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкларнинг, микрокредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюрларининг фаолиятини лицензиялайди, шунингдек кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, кредит бюрларининг ва банклар гуруҳларининг фаолиятини тартибга солади ҳамда ушбу фаолият устидан назоратни амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беради;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилади, хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширувчи хабардор қилувчилар устидан назоратни амалга оширади, фаолиятни (ҳаракатларни) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи — ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига Марказий банк томонидан лицензияланадиган ташкилотларнинг, шунингдек ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг рия этиши юзасидан мониторинг ҳамда назоратни амалга оширади»;

3) 20-модданинг:

ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредит ташкилотларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюрларининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияни бериш, қайта расмийлаштириш ва чақириб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

ўн учинчи — йигирма еттинчи хатбошилари тегишинча **ўн тўртинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) 60-модданинг:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини»;

бешинчи — ўн еттинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк Банклар ва кредит бюроларининг давлат реестрини, банкларга, микрокредит ташкилотларига, тўлов ташкилотларига, тўлов тизимлари операторларига, валюта биржаларига, кредит бюроларига берилган лицензияларнинг реестрларини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрини, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритади»;

5) 61-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари ва банклар гуруҳларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратга доир талабларни»;

тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **ўнинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

6) 65-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк қуйидаги ҳаракатларни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беради:

биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар ёки шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

1) беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

2) йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

3) эллик фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улуш бевосита ёхуд билвосита сотиб олинаётганда;

ушбу қисмнинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган миқдорлардаги банк акциялари олувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинганда;

банк томонидан бошқа банкнинг акциялари сотиб олинаётганда;

банклар томонидан ўз акциялари сотиб олинаётганда;

банклар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба банклар ва ваколатхоналар очилаётганда, филиаллар ташкил этилаётганда, банкларнинг капиталида иштирок этилаётганда, шу жумладан чет эл банклари ташкил этилаётганда;

банклар томонидан нақд чет эл валютаси ва (ёки) миллий валюта Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилаётганда;

банк томонидан хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари аутсорсингга топширилаётганда;

банк қайта ташкил этилаётганда;

банк ихтиёрий равишда тугатилаётганда;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига киритилаётганда»;

7) қуйидаги мазмундаги **65¹-модда** билан тўлдирилсин:

«65¹-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар)

Қуйидаги фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга ошириш учун бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиш талаб этилади:

ломбард фаолиятини бошлаш ёки тугатиш;

нақд хорижий ва (ёки) миллий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш;

банк филиали ёки банк хизматлари офисини очиш ёки тугатиш;

тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш);

электрон пуллар эмитентининг электрон пулларни чиқариш бўйича фаолиятни бошлаш ёки тугатиш;

микрокредит ташкилотининг филиалини, микрокредит ташкилотининг чакана хизматлар маркази шаклидаги филиалини ташкил этиш ёки тугатиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари билан Марказий банкни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади»;

8) **67-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ банкларга, банкларнинг бевосита ҳамда билвосита акциядорларига, шу жумладан охири бенефициар мулкдорларига, кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларига, шунингдек банкларнинг муҳим аҳамиятга эга ходимларига нисбатан чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти, ломбард ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти қонунчилик талабларини, шу жумладан белгиланган пруденциал нормативларни бузган ёки хабардор қилиш тартибида фаолият (ҳаракатлар) юритиш учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида Марказий банкка ёлғон ёки нотўғри ахборот берган тақдирда Марказий банк:

уларнинг ўз капиталининг беш фоизгача миқдорда жарима ундиришга;

айрим операцияларни ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклашга;

микрокредит ташкилотининг лицензияси амал қилишини тугатишга;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотини ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан чиқаришга;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тўхтатиб туришга ёки тугатишга ҳақлидир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда Марказий банк уларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

Кредит ташкилотларига, тўлов ташкилотларига, тўлов тизимлари операторларига, валюта биржаларига ва кредит бюроларига чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Марказий банк айти бир қоидабузарлик бўйича бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет бир нечта чоралар ва (ёки) санкциялар қўллашга ҳақлидир»;

9) **68-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банк назорат вазифаларини амалга ошириш бўйича, шу жумладан конфиденциал ахборотни алмашиш юзасидан миллий ва чет эл органлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузишга ҳақли».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда; № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **53-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз)» деган сўзлар «фаолият лицензиясиз, фаолият (ҳаракатлар) рухсатномасиз ёхуд ваколатли органни хабардор қилмасдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **289-модданинг биринчи қисмидаги** «лицензияси бўлган ломбардлар» деган сўзлар «фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган ломбардлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **29-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«29-модда. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари

Банклар Ўзбекистон Республикасида филиаллар, банк хизматлари офислари ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин.

Банк филиали банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

Банклар ўз филиали ёки банк хизматлари офисини очганлик ёки тугатганлик тўғрисида Марказий банкка белгиланган тартибда хабарнома юбориши шарт.

Банк филиали ёки банк хизматлари офисини очганлик тўғрисидаги хабарноманга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

филиал ёки банк хизматлари офисини очиш тўғрисида банкнинг ваколатли органининг қарори;

филиал раҳбари ва бош бухгалтери тўғрисидаги маълумотлар (филиал очилган тақдирда);

филиал ёки банк хизматлари офиси жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг филиал ёки банк хизматлари офиси бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланганлигининг ва дастурий таъминотнинг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

Банк филиали ёки банк хизматлари офисини очганлик тўғрисидаги хабарномани Марказий банкка юбориш учун қуйидаги талаблар ва шартларга риоя этилиши лозим:

банкнинг барқарор молиявий ҳолати;

филиал раҳбари ва бош бухгалтерининг малакаси Марказий банк томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлиги (филиал очилган тақдирда);

филиал ёки банк хизматлари офиси бинолари, уларнинг муҳофазаси таъминланиши, ускуналар, ташкилий-техника воситалари ва дастурий таъминоти билан жиҳозланиши Марказий банк талабларига мувофиқлиги.

Банк филиали, унинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги ахборот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Банк филиалини ёки банк хизматлари офисини очганлик ва тугатганлик тўғрисида Марказий банкни белгиланган тартибда хабардор қилмай амалга ошириладиган фаолият қонунга хилофдир.

Банк томонидан филиални тугатганлик тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк мижозларни филиал тугатилишидан ўн беш кун олдин хабардор қилиши ва уларнинг олдидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш чораларини кўриши ёки бу мажбуриятларни мижоз билан келишилган ҳолда бошқа филиалга ўтказиши шарт.

Банк филиални тугатганлик тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки иш куни ичида Марказий банкни бу ҳақда хабардор қилиши ва мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажаришни таъминлашга доир режани тақдим этиши керак.

Банк ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ очилади»;

2) **55-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) Марказий банкни белгиланган тартибда хабардор қилмай амалга оширилганлиги ёки тугатилганлиги»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) **75-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк молиявий ҳисоботининг ва банклар гуруҳи консолидациялашган молиявий ҳисоботининг аудиторлик текшируви штатида Марказий банкнинг банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга камида икки нафар аудитори (аудиторлик ташкилоти раҳбарини ҳисобга олган ҳолда) мавжуд бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади»;

олтинчи қисмидаги «банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**»ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган ЎРҚ–399-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «фармацевтика фаолиятининг йўналишини — дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш» деган сўзлар «офтальмология тиббий буюмларини чакана реализация қилиш (оптика)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

3) **16-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фармацевтика фаолияти белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия даъвогарининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

Фармацевтика фаолиятининг қуйидаги йўналишларига лицензия олиш талаб қилинмайди:

тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улгуржи реализация қилиш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;

дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш;

доривор ўсимлик хомашёсини қадоқлаш ва улгуржи сотиш.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникадан тиббий мақсадларда фойдаланиш белгиланган тартибда бериладиган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолият белгиланган тартибда ваколатли органни хабардор этган ҳолда амалга оширилади»;

4) 19-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситаларини улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга ёки фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширувчи ташкилотларга, тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчиларга ва улгуржи реализация қилувчи ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга реализация қилиш ҳуқуқига эга»;

5) 20-модданинг **биринчи қисми** «тиббий буюмларни» деган сўзлардан кейин «(офтальмология тиббий буюмларидан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 21-модданинг **учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дорихона мудирини олий тиббий ёки олий фармацевтика маълумотига эга бўлиши керак»;

7) қуйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолият

Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолият ваколатли органни мазкур фаолиятни бошлаганлик тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклидаги оптикани (офтальмология тиббий буюмларини реализация қилиш пункти) ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Оптиканинг филиаллари ва даволаш-профилактика муассасаларининг оптикиси ҳам оптика тоифаси жумласига киради.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолиятни амалга ошириши учун ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилмайди.

Оптиканинг ва оптика филиалларининг мудирлари олий ёки ўрта махсус фармацевтика маълумотига эга бўлиши керак.

Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолият офтальмология тиббий буюмларини тайёрлаш, бериш, реализация қилиш қоидаларига ва уларнинг сифатини таъминловчи сақлаш шароитларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолият санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмининг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **45-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «(ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида**»ги 678–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг рухсатномасини олиши шарт» деган сўзлар «ўз фаолиятини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигини хабардор қилган ҳолда амалга оширади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 811–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда** чиқариб ташлансин;

2) **4¹-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсдир»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлиш»;

3) **4²-модда:**

биринчи қисмидаги «лицензияловчи» деган сўз «ваколатли» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) қуйидаги мазмундаги **4⁴** ва **4⁵-моддалар** билан тўлдирилсин:

«4⁴-модда. Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари

Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари камида элликта баҳоловчи ташкилотнинг аъзолигига асосланган, баҳоловчиларнинг профессионал даражасини оширишга ва сақлаб туришга кўмаклашиш, уларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан судларда ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотларидир.

Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари:

баҳоловчиларнинг малака имтиҳони учун тест саволларини ишлаб чиқишда ва малака имтиҳонини ўтказишда иштирок этади;

Баҳоловчиларнинг профессионал хулқ-атвори кодексини тасдиқлайди ҳамда унга риоя этилишини тизимли равишда мониторинг қилишни таъминлайди;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

баҳолаш фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган ташкилотларни белгиланган тартибда аъзоликка қабул қилади;

Ўз аъзоларининг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради;

Ўз аъзолари томонидан мазкур Қонун талабларига, баҳолаш фаолияти стандартларига, баҳолаш фаолияти соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

назорат натижасида аниқланган қоидабузарликлар учун баҳоловчи ташкилотларни аъзоликдан чиқаради ҳамда қоидабузарликка йўл қўйган баҳоловчи малака сертификатининг амал қилишини тугатиш бўйича ваколатли органга тақдимнома киритади;

Ўз аъзоларининг ахборот-услубий таъминотини ташкил этади;

баҳолаш фаолияти бўйича халқаро ташкилотларнинг ва ваколатли орган комиссияларининг ишида иштирок этади;

баҳоловчилар малакасини ошириш тизими мониторингини таъминлайди ҳамда йил якунлари бўйича 20 январга қадар ваколатли органга баҳоловчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи ўқув марказларида малака ошириш курсларидан ўтилганлиги ҳақида ахборот тақдим этади.

Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмалари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар уларнинг барча аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмалари кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда бадалларнинг ва тўлов тарифларининг миқдорлари улар аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмасининг раҳбарлари ва ходимлари баҳоловчи ташкилотнинг таъсисчиси бўлишга, баҳоловчи ташкилотда ишлашга, баҳоловчи ташкилот билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузишга, шунингдек раҳбарларга, баҳоловчиларга ёки баҳоловчи ташкилотларнинг бошқа ходимларига нисбатан аффилланган шахс бўлишга ҳақли эмас.

4⁵-модда. Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмаларининг бошқарув органлари

Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ушбу жамоат бирлашмасининг юқори органидир ва бу йиғилиш беш йилда камида бир марта чақирилади.

Ижро этувчи орган баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмасининг юқори органи томонидан унинг аъзолари орасидан сайланади ва жамоат бирлашмасининг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади»;

5) **13-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Шартномага баҳоловчи малака сертификатининг, шунингдек баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар киритилиши шарт»;

6) **15-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«баҳолаш фаолиятига қўйиладиган қонунчилик талабларига риоя этиш»;

учинчи хатбошисидаги «баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлиши»;

7) **17-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «ва унга берилган, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **21-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари аъзоси бўлган баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ифода этиш мақсадида ихтиёрий равишда уюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмаларга қонунчиликда белгиланган тартибда бирлашиши мумкин».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида**»ги 818–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–348-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 94-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **10-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«автомобиль йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесишмаларини, автомобиль йўллари ва кўчалари бўйида жойлашган АЁҚС, АГТКС ҳамда АГҚС (автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдириш ва газ қуйиш) станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларига розилик беради».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникациялар тўғрисида**»ги 822–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий фойдаланиш пунктлари, шу жумладан қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий фойдаланиш пунктлари томонидан маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга, қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳаллий,

шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникациялар тармоқлари хизматларини кўрсатишга доир фаолият учун лицензия талаб этилмайди»;

учинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **13-модда** чиқариб ташлансин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида**»ги 312–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда:**

номидаги «лицензия» деган сўз «**рухсатнома**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Битимда кўрсатилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома инвесторга битим имзоланган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан белгиланган тартибда берилади. Мазкур рухсатнома битим амал қиладиган муддатга берилади ва у битим шартларига мувофиқ қайта расмийлаштирилади ёхуд унинг амал қилиши тугатилади.

Агар юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар бирлашмаси инвестор сифатида иш юритаётган бўлса, рухсатнома бундай бирлашма иштирокчиларидан бирига берилиб, унда мазкур иштирокчи шу бирлашма номидан иш юритаётганлиги, шунингдек бирлашманинг бошқа барча иштирокчилари кўрсатилади»;

2) **23-модданинг иккинчи қисмидаги** «лицензияни» деган сўз «рухсатномани» деган сўз билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган «**Микрокредит ташкилотлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–53-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 495-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2018 йил, № 10, 670-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **15-моддаси иккинчи қисмининг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари, шунингдек белгиланган иқтисодий нормативлар бузилган тақдирда, ўз капиталининг беш фоизига микдорда жарима ундиради».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги ЎРҚ–60-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **16-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг янги турларини жорий этишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қонун лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш улар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгунига қадар амалга оширилади».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда биринчи қисмининг ўттиз тўртинчи хатбошиси** «лицензияланадиган» деган сўздан кейин «ёки ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **21-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

3) **24-модданинг биринчи қисмидаги** «қонунчиликда» деган сўзлар «ушбу Қонуннинг 28, 29 ва 31-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **28-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Инвестиция маслаҳатчиси ўз фаолиятини бошлаганлиги ёки тугатганлиги тўғрисида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига хабарнома юбориши керак»;

5) **29-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестиция фонди фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаб этилмайди ва инвестиция фондининг фаолияти қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солинади»;

6) **45-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «кўчирма

нухасини» деган сўзлардан кейин «ёки ваколатли давлат органини хабардор қилганлиги тўғрисидаги маълумотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **48-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«инвестиция маслаҳатчиларининг хабарномалари реестри, уларнинг фаолияти тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги»;

8) **55-модданинг иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«инвестиция маслаҳатчиларининг хабарномаларини қабул қилади, уларнинг реестрини юритади»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **58-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «барча ҳоллар ҳақида» деган сўзлардан кейин «инвестиция маслаҳатчиларининг хабарномалари реестри ҳақида, уларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «**Музейлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–177-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 9, 483-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «ўтказиш учун махсус рухсатнома беради» деган сўзлар «ўтказганлик ҳақидаги хабарномаларни қабул қилади ва уларнинг реестрини юритади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «вазирлигининг махсус рухсатномасига биноан» деган сўзлар «вазирлиги хабардор қилингандан кейин» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–226-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда иккинчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги сертификатлаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликда назарда тутилган фаолият (ҳаракатлар) турларини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилади ва уларнинг реестрини юритади»;

2) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошириш

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги фаолият (ҳаракатлар) турларини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш тартиби қонунчиликда белгиланади.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Риэлторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–269-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) **4-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Риэлторлик ташкилоти риэлторлик фаолиятини ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширадиган тижорат ташкилотидир»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **5-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Риэлтор якка тартибдаги тадбиркор мақомига, малака сертификатига эга бўлган ва риэлторлик фаолиятини ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширадиган шахсдир.

Риэлтор кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғида воситачилик хизматлари кўрсатиши мумкин»;

4) қуйидаги мазмундаги **5¹** ва **5²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«5¹-модда. Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари камида элликта риэлторлик ташкилотининг ва риэлторнинг аъзолигига асосланган, риэлторларнинг профессионал даражасини оширишга ва сақлаб туришга қўмаклашиш, уларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан судларда ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари: риэлторнинг малака имтиҳони учун тест саволларини ишлаб чиқишда ва малака имтиҳонини ўтказишда иштирок этади;

Риэлторларнинг профессионал хулқ-атвори кодексини тасдиқлайди ҳамда унга риоя этилишининг тизимли равишда мониторинг қилинишини таъминлайди;

риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларни белгиланган тартибда аъзоликка қабул қилади;

ўз аъзоларининг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради;

ўз аъзолари томонидан ушбу Қонун талабларига, риэлторлик хизматларининг миллий стандартларига, Риэлторларнинг профессионал хулқ-атвори кодексига, риэлторлик фаолияти соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

назорат натижасида аниқланган қоидабузарликлар учун риэлторлик ташкилотларини ва риэлторларни аъзоликдан чиқаради, ваколатли органга қоидабузарликка йўл қўйган риэлторлар малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида тақдимнома киритади;

ўз аъзоларининг ахборот-услугий таъминотини ташкил этади;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳамда ваколатли давлат органи комиссияларининг ишида иштирок этади;

риэлторлар малакасини ошириш тизими мониторингини таъминлайди ҳамда риэлторларга таълим берувчи ўқув марказларида риэлторларнинг малака ошириш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги ахборотни йил якунлари бўйича 20 январга қадар ваколатли органга тақдим этади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар уларнинг барча аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда бадалларнинг ва тўлов тарифларининг миқдорлари улар аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмасининг раҳбарлари ва ходимлари риэлторлик ташкилотининг таъсисчилари бўлишга, риэлторлик ташкилотда ишлашга ёки риэлтор сифатида иш юритишга, риэлторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузишга, шунингдек раҳбарларга, риэлторларга ёки риэлторлик ташкилотларининг бошқа ходимларига нисбатан аффилиланган шахс бўлишга ҳақли эмас.

5²-модда. Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларининг бошқарув органлари

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ушбу жамоат бирлашмасининг юқори органидир ва ушбу йиғилиш камида беш йилда бир марта чақирилади.

Ижро этувчи орган риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмасининг юқори органи томонидан унинг аъзолари орасидан сайланади ва жамоат бирлашмасининг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади»;

5) **6-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи:

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда малака имтиҳонини ўтказиши;

малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилишни амалга оширади;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларини кўриб чиқади;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда риэлторлар учун малака оширишнинг ягона дастурини тасдиқлайди ва унинг бажарилишини назорат қилади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган риэлторлик ташкилотлари ходимларининг рўйхатини шакллантиради;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларининг реестрини юритиши;

6) 15-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «лицензияни ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлиши»;

7) 16-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «лицензия, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 20-модда иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«риэлторнинг малака сертификати мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар»;

9) 24-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларининг аъзоси бўлган риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида бошқа риэлторларнинг бирлашмаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этиш ҳуқуқига эга».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ–301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **12-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва лицензия беради, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туради ёки тугатади, шунингдек лицензияни бекор қилади ёки қайта расмийлаштиради».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «**Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–302-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 272-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **13-модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** «эга бўлмаган» деган сўзлардан кейин «шунингдек пиво ва пиво ичимликларини (бундан табиий вино мустасно) ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик тўғрисида ваколатли органни хабардор қилмаган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августда қабул қилинган «**Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–392-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 313-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **3-модданинг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **13-модданинг:**

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **иккинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 489-модда, № 10, 595-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 7, 661-модда) **20-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«лицензияни беради, қайта расмийлаштиради, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди, лицензияни бекор қилади ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади».

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги ЎРҚ–549-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 387-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **21-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисмидаги «Туроператор хизмати» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «Туроператор хизматларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туроператор хизматларини сертификатлаштириш ихтиёрий асосда амалга оширилади».

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «**Қурол тўғрисида**»ги ЎРҚ–550-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **40-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«лицензиялар ва рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, лицензиялар ва рухсатномаларни бекор қилиш ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда уларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган «**Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида**»ги ЎРҚ–576-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасининг иккинчи қисмидаги** «баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган» деган сўзлар «баҳолаш фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган «**Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–578-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 786-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17-модда саккизинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Тўлов хизматлари» деган сўзлар «Тўлов тизимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«почта алоқаси хизматлари»;

еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 21-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг лицензияларини чақириб олади;

тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш тартибини белгилайди»;

учинчи — ўн саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) 23-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**«23-модда. Тўлов тизими оператори лицензиясини чақириб олиш**

Марказий банк қуйидаги ҳолларда тўлов тизими оператори лицензиясини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

тўлов тизимининг оператори лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда;

тўлов тизимининг оператори бўлган банкда банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинганда;

тўлов тизимининг оператори тугатилганда — тугатилиш пайтидан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этилиши натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек қайта ташкил этилаётган тўлов тизими операторида янгитдан вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган айни бир турини амалга оширишга доир лицензия мавжуд бўлганда қўшиб юборилиши мустасно;

тўлов тизимининг оператори лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида фаолиятни амалга оширмаганда ёки тўлов тизими операторининг фаолияти олти ойдан ортиқ даврга тўхтатиб турилганда;

ушбу Қонунда назарда тутилган талаблар тўлов тизимининг оператори томонидан мунтазам равишда бузилганда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига таъсир кўрсатувчи қоидабузарликлар Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой мобайнида тўлов тизимининг оператори томонидан бартараф этилмаганда;

Марказий банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зид эканлиги аниқланганда.

Лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда тўлов тизими оператори қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1) тўлов тизими оператори тугатиладиган тақдирда:

тўлов тизими операторини тугатиш тўғрисида унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи томонидан тугатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор;

тўлов тизими операторининг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи томонидан тасдиқланган, тугатиш жараёнини, тўлов тизими иштирокчилари олдидаги мажбуриятларни бажариш ҳамда кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш тартиб-таомиллари ва муддатларини ўз ичига олган тугатиш режаси;

Марказий банкка мурожаат қилиш пайтидаги, кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун маблағлар етарли эканлигини тасдиқловчи баланс ҳисоботи;

тугатувчи тўғрисидаги ёки тугатиш комиссиясининг таркиби ҳақидаги ахборот ва бошқа зарур маълумотлар;

2) бошқа ҳолларда — тўлов тизими иштирокчилари олдидаги мажбуриятларни бажариш тартиб-таомиллари ва муддатлари.

Тўлов тизими оператори лицензиясини ушбу моддада назарда тутилмаган асослар бўйича чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Марказий банкнинг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кун тўлов тизими оператори раҳбариятига имзо қўйдирилиб топширилади. Лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарор тўлов тизимининг оператори томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун мобайнида лицензия Марказий банкка қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Марказий банкнинг тўлов тизими оператори лицензиясини чақириб олганлиги тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим. Марказий банкнинг тўлов тизими оператори лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

Марказий банкнинг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензияни чақириб олишни асоссиз деб топган тақдирда, Марказий банк лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Тўлов тизими оператори лицензияси чақириб олинганда тўловлар ва ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни якунлаш тартиби ҳамда муддатлари Марказий банк томонидан белгиланади»;

5) **25-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«25-модда. Тўлов ташкилоти лицензиясини чақириб олиш

Марказий банк қуйидаги ҳолларда тўлов ташкилоти лицензиясини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

тўлов ташкилоти лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда;

тўлов ташкилоти тугатилганда — тугатиш пайтидан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этиш пайтидан эътиборан, бундан тўлов ташкилотининг ўзгартирилиши, шунингдек қайта ташкил этилаётган тўлов ташкилотида янгитдан

вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида фаолиятнинг лицензияланадиган айни бир турини амалга оширишга доир лицензия мавжуд бўлганда қўшиб юборилиши мустасно;

тўлов ташкилоти фаолиятни лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида амалга оширмаганда ёки тўлов ташкилотининг фаолияти олти ойдан ортиқ даврга тўхтатиб турилганда;

ушбу Қонунда назарда тутилган талаблар тўлов ташкилоти томонидан мунтазам равишда бузилганда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

Марказий банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зид эканлиги аниқланганда.

Тўлов ташкилоти лицензиясини ушбу моддада назарда тутилмаган асослар бўйича чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Марказий банкнинг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кун тўлов ташкилоти раҳбариятига имзо қўйдирилиб топширилади. Лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарор тўлов ташкилоти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун мобайнида лицензия Марказий банкка қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Марказий банкнинг тўлов ташкилоти лицензиясини чақириб олганлиги тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим. Марказий банкнинг тўлов ташкилоти лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

Тўлов ташкилотига Марказий банкнинг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори берилганидан сўнг тўлов хизматларини кўрсатиши тақиқланади ва тўлов ташкилоти бир ой мобайнида ўзининг номидан «тўлов ташкилоти» деган сўзларни чиқаириб ташлаши керак.

Марказий банкнинг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг чақириб олинишини асоссиз деб топган тақдирда, Марказий банк лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади;

6) 26-модданинг:

биринчи қисмидаги «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар «амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Марказий банкка маълумот учун қуйидагилар тақдим этилади» деган сўзлар «тўлов ташкилоти қуйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда Марказий банкни хабардор этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 30-модда **учинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти Марказий банкнинг қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаган, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини

бузган тақдирда, Марказий банк қонунчиликка мувофиқ қўйидаги санкциялардан бирини қўллаиди»;

8) **42-модданинг учинчи қисмидаги** «фаолиятни амалга ошириш бошланганлиги тўғрисида» деган сўзлар «фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **52-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағларини ўтказишда амалга оширилган тўловлар бўйича пул маблағларини қайтариш пул маблағларини ўтказиш юзасидан нотўғри фармойишни бажариш натижасида рухсат этилмаган тўлов факти аниқланган ҳолларда амалга оширилади».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**»ги ЎРҚ–595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, № 4, 290-модда, 4-сонга илова) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини бошлаганлиги ёки тугатганлиги ҳақида хабарномаларни қабул қилади, уларнинг реестрини юритади»;

2) **20-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини белгиланган тартибда хабардор қилганидан кейин мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматларини кўрсатишга ҳақли»;

3) **21-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек лицензияни бекор қилиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш Давлат инспекцияси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади».

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда; № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **17-модданинг учинчи қисми** «Автотранспорт йиғимини» деган сўзлардан кейин «ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **65-бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65-боб. Автотранспорт йиғимлари ва алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар»;

3) қуйидаги мазмундаги **455¹-модда** билан тўлдирилсин:

«455¹-модда. Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар турлари

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар жумласига қуйидагилар киради:

алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим;
умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш учун йиғим»;

4) **456-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳамда умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш бошланганлиги ҳақида ваколатли давлат органи хабардор қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномага эга бўлган юридик шахслар алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади»;

5) **460-модданинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«460-модда. Автотранспорт йиғимларини тўлаш тартиби»;

6) қуйидаги мазмундаги **460¹-модда** билан тўлдирилсин:

«460¹-модда. Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлаш тартиби

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборилган пайтдан эътиборан тўланади. Бунда хабарнома жорий ойнинг йиғирманчи санасига қадар юборилганда йиғим ушбу ой учун тўлиқ ҳажмда, хабарнома жорий ойнинг йиғирманчи санасидан кейин юборилганда эса кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Агар алкогольли маҳсулотларни реализация қилиш, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан реализация қилиш бир нечта стационар савдо ва (ёки) умумий овқатланиш пунктлари орқали амалга оширилса, алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар белгиланган ставкалар доирасида стационар савдо ва (ёки) умумий овқатланиш пунктларининг сонига ҳамда уларнинг ҳар бири жойлашган ҳудуд миқдорига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолияти тўхтатиб турилганда ёки тугатилганда йиғимни ҳисоблаш кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатиб турилади.

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар

ойда олдиндан тўлов шаклида, жорий ойнинг ўнинчи санасига қадар тўланади.

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади»;

7) **476-модданинг тўртинчи қисмидаги** «лицензия» деган сўз «ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда) **иловасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **20-банднинг «б»** ва **«г» кичик бандлари** чиқариб ташлансин;
- 2) **21-банднинг «а» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« а) фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқдориларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, шунингдек фуқаровий ва хизмат қуролини таъмирлаш	— БҲМнинг 10 баравари
--	-----------------------

- 3) **23-банд** чиқариб ташлансин;
- 4) **25-банднинг «в» кичик банди** чиқариб ташлансин;
- 5) **26-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

26. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи	
« ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш	— БҲМнинг 5 баравари

- 6) **30-банднинг «б» кичик банди** чиқариб ташлансин;
- 7) **31-банднинг:**
 - «**а» кичик бандидаги** «сақлаш» деган сўз чиқариб ташлансин;
 - «**в» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« в) дори воситаларини ишлаб чиқаришга, тайёрлашга, улгуржи реализация қилишга, шунингдек дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга (бундан офтальмология тиббий буюмларини чакана реализация қилиш (оптика) мустасно) доир фаолияти	— БҲМнинг 10 баравари
--	-----------------------

- 8) **32-банднинг:**

«**б» кичик бандидаги** «улардан фойдаланиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» кичик банди чиқариб ташлансин;

9) **33-банднинг:**

«б» кичик банди «махаллий» деган сўздан кейин «шаҳарлараро ва халқаро» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«в» кичик банди «махаллий» деган сўздан кейин «шаҳарлараро ва халқаро» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«г» кичик банди «махаллий» деган сўздан кейин «шаҳарлараро ва халқаро» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«д» кичик банди чиқариб ташлансин;

«е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	е) маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларига хизмаглар кўрсатиш (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	— БҲМнинг 30 баравари	»;
---	---	-----------------------	----

«ж», «и», «к», «л», «м», «н», «п» ва «р» кичик бандлари чиқариб ташлансин;

«у» кичик бандидаги «ва уларга хизматлар кўрсатиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«е» ва «жж» кичик бандлари чиқариб ташлансин;

10) **34, 35** ва **36-бандлар** чиқариб ташлансин;

11) **37-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	37. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи		»;
	нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш	— БҲМнинг 10 баравари	
	магистраль газ қувурларини, нефть қувурларини ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш	— БҲМнинг 10 баравари	

12) **38-банддаги** «БҲМнинг 250 баравари» деган сўзлар «БҲМнинг 200 баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **39-банд** чиқариб ташлансин;

14) **44-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	44. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи		»;
	йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро микроавтобус ҳамда автобусда ташиш		
	14 ўрингача	— БҲМнинг 1 баравари	
	14 ўридан ортиқ	— БҲМнинг 2,5 баравари	
	йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро енгил автомобилда ташиш		

4 ўрингача	— БҲМнинг 2 баравари
4 ўриндан ортиқ	— БҲМнинг 3,5 баравари
йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича 12 ўриндан ортиқ автобусда ташиш	— БҲМнинг 28 баравари
йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусда ташиш, 1 та транспорт воситаси учун	— БҲМнинг 22 баравари
йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича енгил автомобилда ташиш, 1 та транспорт воситаси учун	— БҲМнинг 7 баравари
юкларни халқаро йўналишлар бўйича автомобиль транспортида ташиш, 1 та транспорт воситаси учун	— БҲМнинг 7 баравари

»;

15) **46-банд** чиқариб ташлансин;

16) **47-банд** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« **47. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи**

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш (бундан офтальмология тиббий буюмларини чакана реализация қилиш (оптика) мустасно)	— БҲМнинг 10 баравари
--	-----------------------

»;

17) **48-банд** чиқариб ташлансин;

18) қуйидаги мазмундаги **50-банд** билан тўлдирилсин:

« **50. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи**

а) алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолият	— БҲМнинг 200 баравари
б) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир фаолият:	
ректификатланган истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 100 баравари
техник этил спирти ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 25 баравари
истеъмол этил спиртидан ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 250 баравари
ўткирлиги 7,0 дан 22,0 фоизгача бўлган вино ичимликлари ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 250 баравари
узум ва мева ароғи, узум ва мева-резаворлар виноси, коньяк, коньяк ичимликлари, бренди, виски, ром, кальвадос ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 100 баравари
узум ва мева-резаворлар спирти, вино спирти, узумдан ва мева резаворлардан тайёрланган спирт хом ашёси, узум, вино, коньяк, виски, ром, мева-резаворлар ва кальвадос дистиллятлари, кўпикланадиган ва газланган вино ишлаб чиқариш	— БҲМнинг 50 баравари

	узум ва резавор мевадан виноматериаллар ишлаб чиқариш	— БХМнинг 25 баравари
	<i>Изоҳ. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришини амалга ошириш ҳуқуқи учун, ҳар бир гуруҳ турига қараб, давлат бож и ҳар йил учун бир марта тўланади.</i>	

35-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган «**Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–626-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияга эга бўлган» деган сўзлар «геодезия ва картография фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «лицензия талаблари ва шартларига» деган сўзлар «xabардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблари ва шартларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«геодезия ва картография фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисидаги хабарномани қабул қилади ҳамда хабардор қилувчиларнинг реестрини юритади»;

4) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияга эга» деган сўзлар «геодезия ва картография фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **26-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «лицензия талаблари ва шартларига» деган сўзлар «xabардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблари ва шартларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **29-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳамда назорат қилиш тартиби

Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органи бу ҳақда белгиланган тартибда хабардор қилиниши керак. Хабардор қилиш тартиби ҳамда геодезия ва картография билан боғлиқ ишларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геодезия ва картография фаолияти юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган геодезия ва картография фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш

ҳамда қайта тиклаш тўғрисидаги қарорлар махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинади»;

7) **30-модданинг учинчи қисмидаги** «лицензияга эга бўлган» деган сўзлар «фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **39-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «лицензия талаблари ва шартларига» деган сўзлар «xabардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблари ва шартларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **40-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «лицензия талаблари ва шартларига» деган сўзлар «xabардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблари ва шартларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг саккизинчи хатбошиси** «таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида» деган сўзлардан кейин «ёки хабардор қилиш тартибида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **23-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «бериш» деган сўздан кейин «ваколатли органни ушбу соҳада фаолият бошлаш тўғрисида хабардор қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **24-модда иккинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошиси «таълим ташкилотларини» деган сўзлардан кейин «(бундан мактабдан ташқари таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси «лицензиялар беради» деган сўзлардан кейин «фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган шахслардан хабарномалар қабул қилади ва уларнинг реестрини юритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **29-модданинг учинчи қисми** «шуғулланишга ҳақли» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу Қонуннинг 57¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **31-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади, бундан мактабдан ташқари таълимни, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотлари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича но-

давлат таълим хизматларини кўрсатувчи таълим ташкилотлари томонидан битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат берилиши мумкин. Бунда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи таълим ташкилотлари белгиланган тартибда аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтиши керак»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **34-модданинг бешинчи қисми** «лицензияда» деган сўздан кейин «ёки хабарномада» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **38-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Таълим ташкилотлари талабгорларни ва (ёки) уларнинг ота-онасини ёки бошқа қонуний вакилларини устав, лицензия ёки хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома (нодавлат таълим ташкилотлари учун), давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификат (бундан мактабдан ташқари нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари мустасно), ўқув дастури ҳамда таълим фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши шарт»;

8) **49-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш турлари бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни мустақил белгилашга ҳақли»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **57-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги» деган сўзлар «Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш ва қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек лицензияни бекор қилиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар номуайян муддатга, таълимнинг қуйидаги турлари учун алоҳида берилади:

мактабгача таълим ва тарбия (бундан оилавий мактабгача таълим мустасно);

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

профессional таълим;

олий таълим;

олий таълимдан кейинги таълим»;

10) қуйидаги мазмундаги **57¹-модда** билан тўлдирилсин:

«57¹-модда. Нодавлат таълим фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш

Таълимнинг қуйидаги турлари Таълим инспекциясини белгиланган тартибда хабардор қилиш орқали амалга оширилади:

мактабдан ташқари таълим;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига белгиланган тартибда хабарнома юборилади»;

11) 58-модда:

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари, шунингдек олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтади»;

иккинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

37-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

38-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

39-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 октябрь,
ЎРҚ-721-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

607 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 16 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 588-модда, № 10, 674-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **14²-моддаси** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **9⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«9⁴-модда. Депутатнинг ёрдамчиси

Депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқароси депутатнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Қуйидаги шахслар депутатнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас, агар: тегишли депутат билан яқин қариндош (ота-она, ака-ука, опа-сингил, фарзанд, эр-хотин, шунингдек эр-хотинларнинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-синглиси) бўлса;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 октябрда эълон қилинган.

у қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган бўлса.

Депутатнинг ёрдамчисига Қонунчилик палатаси томонидан хизмат гувоҳномаси белгиланган тартибда берилади.

Депутатнинг ёрдамчиси:

депутатнинг уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, унинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ҳамда сайловчилар билан самарали алоқа ўрнатишига кўмаклашади;

сайлов округида жисмоний ва юридик шахслардан депутат номига келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини депутат томонидан қабул қилинишига, шунингдек депутатнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

сайлов округи ҳудудида депутатнинг ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни депутатнинг топшириғига кўра ташкил этади;

округ сайловчиларини депутатнинг фаолияти тўғрисида хабардор қилади;

депутатнинг мурожаатларини, сўровларини тайёрлашда ҳамда сайлов округида депутат томонидан жисмоний ва юридик шахслардан олинган мурожаатлар кўриб чиқилишида иштирок этади, мурожаатларда баён этилган масалаларни ўрганади;

депутатнинг ўз ваколатларини амалга оширишга доир бошқа топшириқларини бажаради.

Депутат ёрдамчисининг ишини ташкил этиш учун сиёсий партия томонидан тегишли сайлов округида сиёсий партиянинг ҳудудий бўлимида хона ажратилади.

Депутатнинг ёрдамчисини ишга қабул қилиш депутатнинг тақдимномасига кўра амалга оширилади.

Депутатнинг ёрдамчиси депутатнинг ваколатлари даврига тузиладиган муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлайди. Муддатли меҳнат шартномаси депутатнинг ёрдамчиси ва сиёсий партиянинг тегишли раҳбари ўртасида тузилади.

Депутатнинг ёрдамчиси билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда тугатилиши мумкин.

Депутат ёрдамчисининг меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек унга кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда сиёсий партия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Рес-**

публикасининг Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **329-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

тўртинчи қисмидаги «ўнинчи» деган сўз «ўн биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни импорт қилиш билан уч йилдан ортиқ вақтдан буён шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини яхши (ёки ўз вақтида) бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти охири уч йил давомида тўланган божхона тўловлари суммасининг эллик фоиздан ошмайдиган сумма миқдорида, олти ой муддатга божхона тўловларини таъминлаш қўлланилмаган ҳолда берилиши мумкин»;

ўнинчи қисми ўн биринчи қисм деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **99-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 1 — 5-бандларида кўрсатилган солиқлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан ушбу қисмнинг 3-бандида ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 17-моддасида кўрсатилган солиқларни, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни ушбу бобда назарда тутилган тартибда мол-мулкни гаровга бермаган ҳолда, кафиликсиз ёки банк кафолатсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишга (бундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи ҳамда солиқ агенти сифатида тўланадиган қўшилган қиймат солиғи мустасно) ҳам ҳақли»;

2) **100-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **3¹-банд** билан тўлдирилсин:

«3¹) манфаатдор шахс фаолиятни уч йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираётганлиги ҳамда ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлаб келган»

лиги, аммо молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини белгиланган муддатларда тўлаш имкониятига эга бўлмаганлиги»;

3) 101-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг 3¹-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, манфаатдор шахснинг аризасига мувофик солиқни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади. Бунда ушбу қисмда назарда тутилган тартибда тўланадиган солиқ суммаси охириги уч йил давомида тўланган солиқлар суммасининг эллик фоизидан ошмаслиги керак»;

ўнинчи — йигирманчи қисмлари тегишинча **ўн биринчи — йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) 243-модда биринчи қисмининг 18-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18) қимматбаҳо металллардан ишланган банк ва ўлчовли қўймаларини, қимматбаҳо металллардан ишланган қўйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металллардан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), заргарлик буюмларини, қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металлларнинг ўлчов пластиналари ва гранулаларини, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни, шунингдек қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ярим тайёр маҳсулотларни»;

5) 312-модданинг иккинчи қисми «тарафлар имзолаганидан кейин» деган сўзлардан кейин «2-коэффициент қўлланилган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 378-модда 16-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов»;

7) 483-модда қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хунарманд» уюшмасининг аъзоларига берилган солиқ имтиёзлари «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан 2023 йил 1 мартга қадар бўлган давр учун татбиқ этилади.

Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддаси 7-банди учинчи хатбошисининг қоидалари 2021 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 октябрь,
ЎРҚ–722-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

608 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2021 йил 28 майда Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Ҳамдўстлик иштирокчи-давлатларининг геодезия, картография, кадастр ва Ерни масофадан туриб зондлаш соҳасидаги ўзаро муносабатлари тўғрисида 1992 йил 9 октябрдаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги баённома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин унинг қоидалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 октябрь,
ПҚ-5259-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**609 Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда Тошкент метрополитени инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қўшимча ер ости ва ер усти метро йўналишлари ҳамда метрополитен бекатлари барпо этиб келинмоқда.

Метрополитен ҳаракат таркибини янгилаш мақсадида тўққизта янги тўрт вагонли метро поездлари харид қилинди ҳамда 23 та тўрт вагондан иборат метро поездлари капитал таъмирланди.

Юнусобод йўналишида узунлиги 2,9 км бўлган ер ости метрополитен линияси ҳамда «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари барпо этилди, ер усти халқа метрополитен линиясининг I босқич — 11,7 км узунликдаги 7 та бекатдан иборат бўлган қисми ҳамда 6,2 км узунликдаги Сергели ер усти метрополитен линиясининг 5 та бекати фойдаланишга топширилди.

2016 — 2021 йилларда амалга оширилган ишлар натижасида метрополитен линиясининг умумий узунлиги 38 км дан 59 км га, бекатлар сони 29 тадан 43 тага етказилди, Тошкент метрополитенида йўловчилар ташиш қуввати 2016 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, кунлик йўловчи ташиш 160 минг йўловчидан 360 минг йўловчига етказилди.

Тошкент шаҳрида ер усти халқа метрополитен линиясининг II босқич — 13 км узунликдаги 7 та бекатдан иборат «Қўйлик — Қипчоқ» участкасида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент метрополитенида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, йўловчилар ташишни бошқаришда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, метрополитен инфратузилмасини сақлаш ва ундан фойдаланиш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда Тошкент метрополитени фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Тошкент метрополитени» УКни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидан 2021 йил 1 октябрь ҳолатига бўлган давлат улушини камайтириш ҳисобига баланс қийматида Транспорт вазирлиги тизимига ўтказиш ҳамда «Тошкент метрополитени» УК ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Метрополитен фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

илғор хорижий тажриба асосида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш;

инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда ҳаракат таркибини босқичма-босқич янгилаш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 октябрда эълон қилинган.

замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жараёнларни рақамли бошқариш тизимини жорий этиш;

метрополитенда хавфсизлик тизимини такомиллаштириш орқали йўловчилар ва ҳаракат хавфсизлиги даражасини ошириш;

метрополитен оммабоплигини ошириш мақсадида ер усти йўловчилар ташиш транспорти йўналишлари тармоғини метрополитен тармоғи билан интеграция қилиш;

хавфсизлик, шахарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талаблари доирасида метрополитен ҳудудида хизмат кўрсатиш, савдо ва реклама фаолияти тизимини жорий этиш;

замонавий билимга эга профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш орқали соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент метрополитени фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

2023 — 2025 йилларда Тошкент метрополитени фаолиятини янада такомиллаштириш дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

«Тошкент метрополитени» ДУК бошлиғи ва бошлиғи ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ҳамда «Тошкент метрополитени» ДУК ўртасида беғараз тарзда кўрсатиладиган мол-мулк ва ҳомийлик кўринишидаги ёрдамлар солиқ солиш объекти сифатида ҳисобга олинмайди;

қайта ташкил этилаётган «Тошкент метрополитени» ДУК «Тошкент метрополитени» УКнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Тошкент шаҳрида ер усти метрополитени қурилиши ишларининг якунланган қисмлари давлат қабул комиссиясининг далолатномасига асосан «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан қабул қилиб олинади.

5. «Тошкент метрополитени» ДУКга 2024 йил 1 январга қадар метро вагонлари, метрополитен эксплуатация эҳтиёжлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

6. «Тошкент метрополитени» ДУК 2024 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантирилади-

* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган рўйхат бўйича импорт товарларни олиб киришда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

7. Транспорт вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда «Тошкент метрополитени» ДУКнинг мавжуд асосий воситаларини хатловдан ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) Транспорт вазирлиги (Махкамов) билан биргаликда метрополитен оммабоплигини ошириш мақсадида:

2022 йил 1 июлга қадар 7 та метро бекатида (Беруний, Чорсу, Пахтакор, Олмазор, Туркистон, Қўйлик бозори, Чилонзор) транспорт ўтиш боғламаларини;

2022 йил 1 октябрга қадар Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўловчи транспорт воситалари учун 6 та метро бекати (Туркистон, Юнусобод, Чилонзор ва ер усти ҳалқа линиясининг 3, 4 ва 5-бекати) атрофида автотураргоҳлар ташкил этилишини таъминласин.

9. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ да замонавий метро вагонлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Транспорт вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда:

метро вагонларини харид қилиш учун жалб қилинган кредитларни ўрнатилган тартибда «Тошкент метрополитени» ДУКга қарз олувчи сифатида қайта расмийлаштирсин. Бунда, Молия вазирлиги кредит мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин;

Тошкент метрополитени ер усти ва ер ости линиялари қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб этилган кредитларнинг ва улар бўйича берилган давлат кафолатларининг «Тошкент метрополитени» ДУКга қарз олувчи сифатида қайта расмийлаштирилиши бўйича тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Транспорт вазирлиги «Тошкент метрополитени» ДУК билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар метрополитен йўналишларида дифференциал тўлов тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Транспорт вазирлиги:

а) қуйидагилар бўйича:

бир ой муддатда «Тошкент метрополитени» ДУК бошлигининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари лавозимига юқори малакали хорижий мутахассисни жалб қилиш;

уч ой муддатда «Тошкент метрополитени» ДУК фаолиятини ривожлан-

тириш ва самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ил-фор хорижий тажрибага эга консультантларни жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) икки ой муддатда:

«Тошкент метрополитени» ДУКнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Тошкент метрополитени фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

метрополитендан фойдаланишда йўловчилар ва метрополитен ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи Тошкент метрополитенидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Тошкент метрополитени» ДУК билан биргаликда 2022 йил 1 январдан бошлаб метрополитен йўналишлари (уларнинг қурилиши бўйича маълумотлар), бекатлар (улар атрофида жойлашган объектлар ва жамоат транспорти йўналишлари), поездлар ҳаракати жадвали, электрон тўлов ҳамда бошқа маълумот ва хизматларни ўз ичига олувчи мобил иловани ишга туширсин.

14. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2022 йил 1 апрелга қадар ер усти ҳалқа метро бекати йўналишида йўловчилар учун бепул WI-FI тизими билан боғлаш ва ер ости метро бекатларида мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратсин.

15. Транспорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, «Тошкент метрополитени» ДУК билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар метрополитен бекатлари архитектура қиёфаси ҳолатини сақлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ой муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 октябрь,
ПҚ-5260-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**610 Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги
Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати
институтини ташкил этиш тўғрисида***

Миллий эстрада ижрочилик мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда миллий эстрада санъатини жадал ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4908-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий эстрада йўналиши бўйича малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш;

миллий эстрада йўналишида ўқув-методик адабиётлар яратиш, атоқли композитор ва бастакорлар, хонанда ва созандалар ижодини чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий эстрада ижрочилиги намуналарини нотага кўчириш;

миллий эстрада йўналиши бўйича фундаментал, амалий ва ижодий изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услублари ва анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш;

миллий эстраданинг замонавий ижро услублари намуналарини нотага олиш ва амалиётга кенг жорий этиш, миллий эстраданинг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар ва ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш;

миллий эстрадани янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш;

миллий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг «Олтин фонди»ни яратиш;

халқимиз, хусусан, ёш авлод онгида миллий эстрада орқали миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

эстрада йўналишларида хорижий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш.

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 октябрда эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ва Ўзбекистон давлат консерваторияси (кейинги ўринларда — Консерватория) таркибида фаолият юритади;

Институтда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланиб, таълим давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

Институт битирувчиларига олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган давлат намунасидаги диплом берилади;

Консерватория учун тасдиқланган бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари Институтга ҳам татбиқ этилади;

Институт профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Маданият вазирлиги тизимида узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули (устама) тўлаб бориш тартиби татбиқ этилади;

Консерватория кенгашининг қарорига асосан Консерваториянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Институт моддий-техника базасини ривожлантиришга ва Институт кенгашининг қарорига асосан Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Консерватория моддий-техника базасини ривожлантиришга рухсат берилади;

Институт Консерваториянинг моддий-техника базасидан ва Консерватория Институтнинг моддий-техника базасидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4. Қўйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясидан Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтига ўтказиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб янги очиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси бир ҳафта муддатда 2021/2022 ўқув йили учун Институтга қабул параметрларини тасдиқласин ҳамда абитуриентларнинг онлайн тарзда рўйхатдан ўтказилишини ташкил қилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ рўйхатда келтирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган Консерваториянинг 2 — 4 курс талабалари 2021/2022 ўқув йилидан ўқишини Институтда давом эттиради ва ўқиш якуни бўйича уларга давлат намунасидаги диплом берилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан, шунингдек, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) ва Консерватория (К.Т. Уринбаев):

а) қуйидагиларни:

Институт тузилмасини олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ тасдиқлаш;

Институт уставини белгиланган тартибда тасдиқлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) билан бирга:

бир ҳафта муддатда Институт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва ижросини назоратга олиш, шунингдек, Институт бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Институтнинг илмий-педагог кадрлари таркибини олий таълим ва илмий ташкилотларда ҳамда Маданият вазирлиги тизимида фаолият юритаётган, шу жумладан хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳадаги салоҳиятли амалиётчи мутахассислар орасидан шакллантириш;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикадаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар ҳамда маданият, мусиқа ва санъат коллежларига Институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда мамлакатимизда ижод қилиб келаётган таниқли эстрада ижодкорларини бириктириш орқали «Маҳорат дарслари»ни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

7. Консерватория (К.Т. Уринбаев):

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни сифатли ташкил этиш;

таълим, тарбия, илмий, услубий ва ижодий жараёнларни самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш; дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари учун кўшимча шароитлар яратиш ва миллий эстрада мактабининг йўналишларини ривожлантиришда Институтга кўмак бериб борсин.

8. Институтда:

Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва музей; ўзбек миллий эстрадаси намояндаларининг «устоз-шогирд» ижрочилик мактаблари;

замонавий ижодий студиялар ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилсин.

9. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдухакимов), Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси (Р. Абдуллаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Хожиматов), Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов), Бадиий академия (А.В. Нуридинов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) билан биргаликда:

музейга Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳаёти ва фаолияти, миллий эстрада санъатимиз ривожланиши ва дунё миқёсида кенг тарғиб этилишини ёрқин акс эттирувчи экспонатларни, Ботир Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналари ҳамда адабий асарларни жамласин ҳамда унда мунтазам равишда кўргазма-экспозиция ташкил этиб борсин;

Институтда «устоз-шогирд» ижрочилик мактабларини ташкил этишда миллий эстрадамининг ёрқин намояндаларини жалб этсин ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратсин;

ижодий студияларни зарур замонавий жиҳоз ва техникалар, шунингдек, ахборот-ресурс марказини мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ҳамда ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминласин.

10. Институт вақтинчалик Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бешёғоч мавзеси, Дархон кўчаси, 157-уйда жойлашган 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3178-сон қарорига асосан Консерваторияга туташ ҳудудда қурилиши якунланаётган Консерватория ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг ўқув биноси ва талабалар турар жойи оператив бошқарув ҳуқуқи билан Консерваторияга топширилсин ҳамда мазкур объектларга Институт ва ушбу марказ текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорнинг 10-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган объектларнинг қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини жорий йилда якунлаш учун 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривож-

лантириш дастури доирасида ўзлаштирилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни қайта тақсимлаш ҳисобидан маблағ ажратсин.

12. Институтга 3 та, шу жумладан 1 та шахсан бириктирилган, гастроль-концерт фаолияти учун зарур бўлган 1 та автобус ва 1 та юк ташувчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2021 йилда республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Маданият вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тугилади.

14. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) билан биргаликда онлайн маъруза ҳамда масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун Институтни телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, юқори тезликдаги Интернет ҳамда «Электрон таълим» миллий тармоғига белгиланган тартибда улаш чораларини кўрсин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдухакимов, Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 октябрь,
ПҚ-5261-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

611 Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 23 июлдаги ПФ–6033-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 23 июлдаги ПҚ–4787-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Қуйидагилар:

истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ҳамда ҳисобга олиш ахборот тизими-га ахборот узатувчи бошқа қайд этиш воситаларини ўрнатишни назарда тутувчи Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ҳамда ҳажмини автоматлаштирилган ўлчаш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга ошириш, уларнинг намуналарини синов лабораторияларида экспертизадан ўтказиш ва мазкур харажатларни молиялаштиришни назарда тутувчи Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга ошириш ҳамда уларни экспертиза (тест)дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлан-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 октябрда эълон қилинган.

тириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 октябрь,
634-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 11 октябрдаги 634-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь
маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини
ҳамда ҳажмини автоматлаштирилган ўлчаш ва ҳисобга
олиш воситалари билан жиҳозлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом истеъмол ва техник этил спирти (кейинги ўринларда — этил спирти) ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимида ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатиш тартибини белгилайди.

Этил спирти ва алкоголь маҳсулоти етказилиши тўхтаганда, ўлчов воситаси тўхташи, шунингдек, асосий ускунадан узлуксиз равишда маҳсулот юборилиб, ўлчов воситаси ишламай қолганда иш жараёни бошқа ўлчов воситасига ўтказилиши керак.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дистиллятлар — алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бижғитилган сусло ёки ишлов берилган вино хом ашёси (виноматериал)ни, таркибида этил спирти мавжуд ачитқили ёки қуйқали чўкмаларни, узумни эзиш натижасида чиқадиган масса ва бошқа таркибида спирт сақловчи маҳсулотлар хом ашёларини оддий ва/ёки фракцион дистиллаш ва/ёки ректификациялаш йўли билан олинган виночилик маҳсулоти (вино, узум, мева-резавор, коньяк, кальвадос ва виски дистиллятлари);

дозатор — суюқ ва сочилувчан моддалар массаси ёки ҳажмини автоматик тарзда ўлчайдиган (дозалайдиган) қурилма;

ўлчов воситалари (электрон ҳисоблагичлар) — ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

эпруветка — қуйиш бўлимига ўтказишдан олдин ўтаётган суюқлик-

нинг таркибидаги этил спиртининг ҳажмий улушини аниқловчи ярим шиша ҳолатидаги ускуна;

этил спирти бош фракцияси (кейинги ўринларда — Эфир альдегидли фракция ёки ЭАФ) — таркибида учувчан қўшимчалар концентрацияси юқори бўлган, этил спиртининг ҳажмий улуши (қуввати) 92,0 фоиздан кам бўлмаган, тайёр ачитмани брагоректификатлаш ёки озуқавий хом ашёдан олинган хом этил спиртини ректификациялаш натижасида ажратиб олинадиган ва озуқавий хом ашёдан ректификатланган этил спирти ишлаб чиқариш жараёнининг қўшимча маҳсулоти бўлган сув-спирт эритмаси.

2-боб. Ўлчов воситаларини ўрнатиш

3. Этил спирти (вино, узум, мева-резавор, коньяк, калвадос, виски дистиллятлари ва спиртлари бундан мустасно) ишлаб чиқарадиган ташкилотларда тайёр маҳсулот ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичликни ўлчаш воситалари қуйидаги жойларга ўрнатилади:

этил спиртини қуйиш бўлими (спирт қабул қилиш бўлими)га ўтказишда эпруветкадан (чирок) кейин ва тайёр маҳсулотлар омборига (спирт сақлаш омборига) топширишдан олдин;

этил спиртини истеъмолчиларга темир йўл, автомобиль ёки бошқа транспорт воситаларида юклаб жўнатишда, шунингдек, этил спиртини ташкилотнинг алоҳида бўлинмасига юборишда спирт йиғиш бўлимида ўлчаш мосламасидан кейин этил спиртини истеъмол идишига қуйишдан (жўнатишдан) олдин.

4. ЭАФ ишлаб чиқарадиган ташкилотларда тайёр маҳсулот ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичликни ўлчаш воситалари қуйидаги жойларга ўрнатилади:

ЭАФни спирт қабул қилиш бўлимига ва тайёр маҳсулотлар омборига (спиртни сақлаш омборига) топширишдан олдин музлатгичдан кейин;

ЭАФни истеъмолчиларга темир йўл ёки бошқа транспорт воситаларида юклаб жўнатишда, спирт топшириш бўлимида ЭАФни темир йўл ва транспорт идишига юклашдан олдин ўлчаш мосламасидан кейин;

ЭАФни ташкилотнинг алоҳида бўлинмасига юборишда ЭАФ йиғиш бўлимида ўлчаш мосламасидан кейин ЭАФни идишга қуйишдан (жўнатишдан) олдин.

5. Алкоголь маҳсулотлари (табиий вино, мева ва резавор-мевалардан тайёрланган вино, кўпикланадиган (шампан), газланган вино, истеъмол этил спирти қўшилмаган вино ичимликлари, пиво ва пиво ичимликларидан ташқари) ишлаб чиқарадиган ташкилотларда истеъмол идишига қуйиладиган тайёр маҳсулот ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичликни ўлчаш воситалари қуйидаги жойларга ўрнатилади:

хом ашё сифатида ишлатиладиган истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари харид қилинганда қабул бўлимига ушбу маҳсулотлар омбор (спирт сақлаш омбори, вино сақлаш омбори)га топширилишдан олдин;

(автоматик) қуйиш ускунаси, дозатор ва уларнинг жамланма қурилмасига;

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларда истеъмол идишларига қўйилган маҳсулотларни ҳисобга олишни таъминлайдиган ўлчаш воситаларини қадоклаш (автомат) машиналари, қопқоқлаш, ёрлик ёпиштириш машиналаридан кейин истеъмол идишига қўйилган маҳсулотни омборга топширишдан олдин ўрнатилади.

6. Алкоголь маҳсулотлари (табиий вино, мева ва резавор-мевалардан тайёрланган вино, кўпикландиган (шампан), газланган вино, истеъмол этил спирти қўшилмаган вино ичимликлар, пиво ва пиво маҳсулотларидан ташқари) ишлаб чиқарадиган ташкилотларда истеъмол идишига қўйилмайдиган тайёр маҳсулот ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичликни ўлчаш воситалари қўйидаги жойларга ўрнатилади:

хом ашё сифатида ишлатиладиган истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари харид қилинганда ушбу маҳсулотлар омбор (спирт сақлаш омбори, вино сақлаш омбори)га топширишдан олдин қабул бўлимига;

охирги технологик жараёндан кейин истеъмол идишига қўйилмаган алкоголь маҳсулотларини омборга топширишдан олдин;

истеъмол идишига қўйилмаган алкоголь маҳсулотлари истеъмолчи (харидор)га етказиб бериладиган бўлса, шунингдек, истеъмол идишига қўйилмаган алкоголь маҳсулотлари ташкилотнинг ташкилий тузилмасига алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган бўлса, жўнатиш бўлимига жўнатишдан олдин ўлчов воситасидан кейин.

7. Табиий вино, мева ва резавор-мевадан тайёрланган вино, кўпикландиган (шампан) вино, газланган вино, истеъмол этил спирти қўшилмаган вино ичимликлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар хом ашё сифатида фойдаланиладиган вино маҳсулотларини харид қилган (шу ташкилотнинг алоҳида бўлинмасидан қабул қилган) тақдирда, маҳсулот ҳажмини ўлчашни таъминловчи ўлчаш воситалари қабул қилиш бўлимига омбор (вино сақлаш омбори)га топширишдан олдин ўрнатилади.

Ташкилотларда ушбу бандда кўрсатилган истеъмол идишларига қўйилган маҳсулотларни ҳисобга олишни таъминлайдиган ўлчаш воситалари қадоклаш (қўйиш (автомат) машиналари, жамланма қурилмаси, дозатор ва ҳ.к.)дан кейин истеъмол идишига қўйилган маҳсулотни омборга топширишдан олдин ўрнатилади.

8. Вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларда вино дистилляти, вино спирти, узум дистилляти ёки ректификатланган узум спирти хом ашё сифатида ишлатиш учун харид қилганда, ушбу тайёр маҳсулотнинг ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичлигини ўлчашни таъминловчи ўлчаш воситалари қабул қилиш бўлимига омбор (спирт сақлаш омбори)га топширишдан олдин ўрнатилади.

Ушбу бандда кўрсатилган тайёр маҳсулот ҳажмини ўлчаш воситалари ташкилотлардаги қўйидаги жойларга ўрнатилади:

вино маҳсулотлари хом ашё сифатида ишлатиш учун харид қилганда ёки шу ташкилотнинг алоҳида бўлинмасидан қабул қилинганда қабул қилиш бўлимига омбор (вино сақлаш омбори)га топширишдан олдин;

вино маҳсулотлари етказиб берилганда ёки ушбу ташкилотнинг ало-

ҳида бўлинмасига узатилганда жўнатиш бўлимига истеъмолчи (харидор)-нинг транспорт идишига қўйиш (ортиш)дан олдин;

9. Дистиллятлар (шу жумладан, вино, узум, мева-резавор, коньяк, кальвадос, виски, шунингдек, вино ва узум спиртлари) ишлаб чиқарувчи ташкилотларда ушбу тайёр маҳсулотнинг ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичлигини ўлчашни таъминловчи ўлчаш воситалари қўйидаги жойларга ўрнатилади:

хайдаш қурилма (ускуна)ларидан кейин сақлаш учун омборга ўтказишдан олдин;

истеъмолчи (харидор)га дистиллятлар (шу жумладан, вино, узум, мева-резавор, коньяк, кальвадос, виски, шунингдек, вино ва узум спиртлари) етказиб берилганда (ушбу ташкилотнинг алоҳида тузилмасига жўнатишдан олдин) транспорт идишига қўйиш (юклаб жўнатиш)дан олдин.

Хом ашё сифатида ишлатиладиган вино материаллари харид қилинганда ёки ташкилотнинг алоҳида тузилмасидан қабул қилинганда ушбу бандда кўрсатилган ташкилотларда тайёр маҳсулот ҳажмини ўлчаш воситалари қабул бўлимига маҳсулотлар омборга ўтказишдан олдин ўрнатилади.

10. Истеъмол идишига қўйиладиган қувватли вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларда вино ва узум дистилляти, вино ва узум спирти, ректификатланган узум спирти, бошқа мева-резаворлар дистилляти хом ашё сифатида ишлатиш учун харид қилинганда, ушбу тайёр маҳсулотнинг ҳажмини, ҳароратини ва тайёр маҳсулотдаги зичлигини ўлчашни таъминловчи ўлчаш воситалари қабул қилиш бўлимига омбор (спирт ва вино сақлаш омбори)дан олдин ўрнатилади.

Қувватли вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулот ҳажмини ўлчаш воситалари ташкилотларда қўйидаги жойларга ўрнатилади:

вино маҳсулотлари хом ашё сифатида ишлатиш учун харид қилинганда (ушбу ташкилотнинг алоҳида бўлинмасидан қабул қилинганда) қабул қилиш бўлимига омбор (вино сақлаш омбори)га топширишдан олдин;

сарф қилинадиган (босимли) идишдан кейин қадоқлаш (автомат) машиналари (қўйиш (автомат) машиналари, жамланма қурилмаси, дозатор ва х.к.)дан олдин.

Ушбу бандда кўрсатилган ташкилотларда истеъмол идишига қўйилган маҳсулот ҳисобини таъминлайдиган ўлчов воситалари қўйиш линиясига қадоқлаш (қўйиш) ускунаси ва қопқоқлаш ускунаси жамланган машина (автомат)дан кейин ўрнатилади.

11. Истеъмол идишига қўйиладиган пиво ва пиво маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларда ушбу турдаги тайёр маҳсулотлар ҳажмини ўлчов воситаларини сарф қилинадиган (босимли) идишдан кейин қадоқлаш (автомат) машиналари (қўйиш (автомат) машиналари, жамланма қурилмаси, дозатор ва х.к.)дан олдин ўрнатилади.

Ушбу бандда кўрсатилган ташкилотларда истеъмол идишига қўйилган маҳсулот ҳисобини таъминлайдиган ўлчов воситаларини қўйиш линиясида қадоқлаш (қўйиш) ускунаси ва қопқоқлаш ускунаси жамланган машина (автомат)дан кейин ўрнатилади.

3-боб. Асосий технологик асбоб-ускуналарни ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш схемаси, пломбалаш ва пломбаларни ечиш

12. Ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ушбу қарор талабларига асосан, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ускуналарнинг техник ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ускуналарни қиёслов кўригидан ўтказиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳар икки йилда бир марта амалга оширилади.

13. Асосий технологик ускуналарни ўлчов воситалари билан жиҳозлаш жойлари ташкилот томонидан асосий технологик ускуналарни ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш схемаси (кейинги ўринларда — жиҳозлаш схемаси)да кўрсатилади.

14. Ўлчов воситалари ўрнатилган спирт омборлари, вино омборлари, алкоголь маҳсулотларини қуйиш линиялари ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари учун жиҳозлаш схемаси ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида икки нусхада тузилади.

Жиҳозлаш схемаси ташкилот раҳбари томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

15. Асосий технологик ускуналар ўлчов воситалари билан жиҳозлангандан сўнг, асосий технологик ускуналар ташкилотнинг жойлашган жойида ёки унинг ташкилий тузилмаси жойлашган жойда ташкилотнинг ваколатли вакили иштирокида Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)нинг ваколатли ходими томонидан муҳрланади (пломбаланади) ҳамда далолатнома тузилади.

Агентликнинг ваколатли ходими томонидан пломбалаш (пломбани ечиш) тўғрисидаги далолатнома рақами ва тузилган санасини кўрсатган ҳолда жиҳозлаш схемасига тегишли ёзув киритилади.

Пломбалаш (пломбани ечиш) тўғрисидаги далолатнома жиҳозлаш схемасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, унда ўрнатилган пломбалар ва (ёки) голограмма стикерлари тўғрисидаги маълумотлар, пломба кўриниши тавсифи ва (ёки) пломбалашда (муҳрлашда) ишлатиладиган муҳрлар (голограмма стикерлар) рақамлари, шунингдек, уларнинг жойлашган жойлари кўрсатилади.

Пломбалаш (пломбани ечиш) далолатномаси ўлчаш воситаларини пломбалаш (пломбани ечиш) пайтида ҳозир бўлган ташкилотнинг ваколатли шахси, шунингдек, Агентлик вакили томонидан имзоланади.

16. Ушбу Низомнинг 12 — 14-бандлари талабларига мувофиқ тузилган жиҳозлаш схемасининг бир нусхаси ташкилотда қолдирилади, иккинчи нусхаси эса Агентликда сақланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 11 октябрдаги 634-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини
амалга ошириш ҳамда уларни экспертиза (тест)дан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга ошириш, уларни ваколатли органлар билан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида экспертизадан ўтказиш, шунингдек, мазкур харажатларни Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

назорат хариди — чакана савдо шохобчаларида ва умумий овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга сотиладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасини аниқлаш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш орқали «яширин иктисодиёт»нинг ва сифатсиз маҳсулотларнинг вужудга келиш омилларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи;

тестдан ўтказиш — маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларини баҳолаш усули;

экспертиза — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотнинг хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларнинг тўғрилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ишлар мажмуи.

3. Назорат хариди ва кейинчалик экспертизадан (тестдан) ўтказиш тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда ушбу Низомга мувофиқ Агентлик вакиллари томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиб олиш ва аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида экспертизадан (тестдан) ўтказиш орқали иловадаги* схемага асосан амалга оширилади.

4. Назорат хариди учун қуйидагилардан бири асос бўлиши мумкин:

Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган ҳамда Агентликнинг

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

расмий веб-сайтида жойлаштириладиган назорат харидини ўтказиш режаси;

ваколатли органлар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келиб тушган маълумот, оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи манбалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарлар;

қонунда белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган мурожаатлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари.

5. Назорат харидини ўтказиш режаси Агентлик томонидан ҳар йили шакллантирилади ва Агентлик директори томонидан тасдиқланади ҳамда ушбу режага Агентлик томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6. Назорат харидини ўтказиш режасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

назорат харидини ўтказиш даври (йил, ой);

тадбирни ўтказиш жойи (вилоят, шаҳар, туман);

назорат харидини ўтказиш давомида амал қилиниши баҳолаб бориладиган мажбурий талаблар;

назорат хариди ўтказиладиган маҳсулотлар номлари.

7. Назорат хариди ва маҳсулотларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш Агентлик томонидан қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили хабардор қилингандан сўнг амалга оширилади.

2-боб. Назорат харидини амалга ошириш тартиби

8. Назорат харидини амалга ошириш тўғрисида тадбир ўтказилишидан бир кун аввал Агентлик директори томонидан буйруқ қабул қилинади.

9. Буйруқ қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

Агентликнинг ваколатли ходими ёки ходимларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

назорат хариди ўтказиладиган юридик шахс номи ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек назорат хариди бевосита ўтказиладиган жойнинг почта манзили;

назорат хариди ўтказиладиган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ тўловчи идентификация рақами, шунингдек, лицензия ва/ёки фаолиятни юритиш учун берилган бошқа ҳужжатларнинг санаси ва рақами;

назорат харидини ўтказишда баҳоланадиган мажбурий талаблар;

назорат харидини амалга ошириш учун асос;

назорат хариди давомида олинадиган маҳсулотлар номи, уларнинг сони, сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот;

назорат харидини амалга ошириш муддатлари (йил, ой, кун);
назорат хариди давомида фото ва видеотасвирларнинг зарурлиги тўғрисида маълумот;

алкоголь маҳсулоти бўйича назорат харидини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

10. Назорат хариди уни ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган Агентлик масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

11. Назорат хариди фақатгина касса чеки ва/ёки белгиланган шаклдаги бошқа ҳужжат расмийлаштирилганда амалга оширилган ҳисобланади.

12. Назорат хариди якунлангандан сўнг назорат харидини ўтказишга масъул бўлган Агентлик ходими юридик шахс вакилига ёки якка тартибдаги тадбиркорга ёхуд унинг вакилига назорат хариди ўтказилганлиги тўғрисида маълум қилади, хизмат гувоҳномасини кўрсатади ва назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини тақдим қилади.

Юридик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакили назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб чиққанлиги ва нусхасини олганлиги тўғрисида назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги далолатномада тегишли қайдни амалга оширади.

Юридик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакили назорат хариди ўтказилганлиги тўғрисидаги буйруқ билан танишиб чиқишдан ва/ёки нусхасини олишдан бош тортган ҳолларда бу ҳақида далолатномага тегишли маълумотлар киритилади.

13. Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан назорат хариди якунлангунга қадар маҳсулотдаги ёки чакана савдони амалга оширишдаги камчиликларни бартараф этишга йўл қўйилмайди.

14. Далолатноманинг намунавий шакли Агентлик томонидан тасдиқланади. Далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

далолатномани тузиш санаси, вақти ва жойи;

назорат харидини ўтказишда қатнашган давлат органи номи (агар бўлса);

назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами;

назорат харидини ўтказган мансабдор шахс ёки шахслар фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

юридик шахс номи ёки якка тартибдаги тадбиркор фамилияси, исми, шарифи, юридик шахс жойлашган, якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини амалга оширувчи жой ва (ёки) назорат хариди бевосита ўтказилган якка тартибдаги тадбиркор амалдаги фаолият кўрсатиш манзили;

назорат хариди давомида олинган маҳсулотлар (маҳсулот тури, яроқлилик муддати, қадоқ ҳажми ва намуналар сони), уларни сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот;

мажбурий талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳолатлар ёки уларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакили томонидан назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб чиққанлиги ва нусхасини олганлиги ёки назорат харидини ўтказиш

тўғрисидаги буйруқ билан танишиб чиқиш ҳамда нусхасини олишдан бош тортганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

назорат харидини ўтказишда қатнашган холислар (қатнашган ҳолларда) ёки фото ва видео ёзувлардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда назарда тутилган бошқа маълумотлар;

назорат харидини ўтказган масъул ходим (ходимлар) имзоси ҳамда назорат хариди ўтказишда қатнашган холислар имзолари (қатнашган ҳолларда);

юримдик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакилининг имзоси учун жой ёки имзо қўйишдан бош тортганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

экспертизадан (тестдан) ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги маълумотлар.

15. Далолатнома юримдик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакилига имзолаш учун холислар иштирокида тақдим этилади.

Холис иштирокчи сифатида манфаатдор бўлмаган, бири-бири ва назорат хариди иштирокчилари билан қариндошлиги, қўл остида ёки назоратида бўлмаган исталган вояга етган лаёқатли жисмоний шахс тақлиф этилиши мумкин. Холислар сони икки кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Юримдик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакили томонидан далолатномани имзолашдан бош тортиш ҳолатларида далолатномага имзо қўйишдан бош тортилганлиги тўғрисида маълумот киритилади.

Далолатнома нусхаси назорат хариди ўтказилган юримдик шахс вакили ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд унинг вакилига ҳужжат тузилиши билан берилади.

16. Назорат хариди давомида олинган маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш учун юборишда далолатномага ушбу маҳсулотларнинг белги қўйилган рўйхати келтирилган тегишли ёзув киритилади.

Маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш учун юбориш (транспортда) ва сақлаш техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга асосан, маҳсулотларни ташиш ва сақлаш талабларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Далолатномага маҳсулотлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, касса ва маҳсулот чеклари илова қилинади.

18. Назорат харидини ўтказишда Агентлик масъул ходими:

маҳсулотни буйруқда келтирилган номи ва сонига кўра мустақил равишда танлайди;

назорат харидини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни имзолайди ҳамда маҳсулот сотиб олиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширади;

истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик субъектининг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, тақдим этилиши лозим бўлган товар тўғрисидаги ҳужжатларни ва маълумотларни талаб қилади;

зарурий ҳолларда, фото ва видеотасвирга олиш воситаларидан фойдаланади.

3-боб. Маҳсулотларни экспертиза (тест)дан ўтказиш тартиби

19. Назорат харидида олинган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш — жойида, тестдан ўтказиш — аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида амалга оширилади.

20. Маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш фақатгина маҳсулотларни тестдан ўтказиш учун танлаб олиш мақсадида Агентлик масъул ходим (ҳодимлар)и томонидан амалга оширилади.

Бунда қуйидаги талабларга риоя этилганлиги экспертизадан ўтказилади: савдо шохобчасида маҳсулотларни сақлаш шароитлари;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари маркировкасини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган яроқлилик муддатига амал қилиниши.

21. Яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни синов лабораторияларида тестдан ўтказишга йўл қўйилмайди. Улар чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида аниқланган ҳолларда юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган чоралар қўлланилади.

22. Назорат хариди давомида тестдан ўтказиш учун сотиб олинган маҳсулотлар чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан белгиланган шартларда, уларга зарар етмайдиган тарзда юкланиши ва сақланиши лозим.

23. Маҳсулотларни тестдан ўтказиш зарурати туғилганда, улар синов лабораторияларига назорат хариди яқунланадиган кундан кечиктирмасдан етказилиши лозим.

24. Маҳсулотларни тестдан ўтказиш Агентлик томонидан миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат ва нодавлат синов лабораторияларида шартнома асосида амалга оширилади.

25. Назорат хариди давомида олинган маҳсулот намуналари Агентлик масъул ходими томонидан илова қилинган ҳужжат билан савдо номлари олиб ташланган ва тўлиқ беркитилган, бироқ истеъмол қадоғи сақланган ҳолда назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда синов лабораторияларига юборилади.

26. Илова қилинган ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилади:

илова қилинган ҳужжат рақами ва санаси;

маҳсулот намуналарини етказувчи масъул шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси;

маҳсулот намуналарини тестдан ўтказиш учун қабул қиладиган синов лабораторияси масъул ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси;

назорат харидини ўтказиш далолатномасининг рақами ва санаси; маҳсулот номи, ишлаб чиқариш санаси, маҳсулот ўрами ҳажми, намуналар сони;

маҳсулот намуналарини етказишда сақлаш шартларига амал қилинганлиги тўғрисидаги белгилар.

27. Маҳсулот намуналарини тестдан ўтказиш ушбу маҳсулотларга нисбатан белгиланган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

28. Экспертиза (тест) натижалари Агентлик томонидан синов баённомалари расмийлаштирилган вақтдан уч иш кунидан ошмаган муддатда юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорга почта ёки электрон почта орқали юборилади.

29. Экспертиза (тест) натижалари Агентлик расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштирилиб борилади.

30. Экспертиза (тест) натижалари бўйича савдо қоидаларига, маҳсулот техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, Агентлик томонидан тегишли ҳужжатлар ваколатли органларга тақдим этилади ҳамда улар томонидан айбдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўлланилади.

4-боб. Назорат хариди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш

31. Назорат хариди билан боғлиқ ишларни ҳамда маҳсулотларни тестдан ўтказиш бўйича ишларни молиялаштириш Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

32. Назорат хариди ўтказиш тўғрисидаги Агентлик раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланган ходимларга назорат хариди харажатлари уни тасдиқловчи ҳужжатларга асосан Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

Бунда, назорат хариди ўтказилиши учун масъул ходимнинг сўровига ва тахминий ҳисоб-китоблари асосида ўзига тегишли бўлган банк пластик картасига олдиндан бўнак (аванс) тўланиши мумкин ҳамда назорат хариди яқунлангандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан барча асословчи ҳужжатлар илова қилинган ҳисоботда ушбу бўнак (аванс) ҳисобга олинади.

Мазкур харажатлар Агентликнинг харажатлар сметасида алоҳида харажатлар таснифида режалаштирилади.

Назорат хариди нақд пул воситасида амалга оширилганда хариднинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ва б.) харидни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар йиғма жилдига илова қилинади.

33. Агентликнинг масъул ходими назорат хариди бўйича амалга оширилган назорат харидларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

34. Назорат харидининг натижалари, уни амалга ошириш давомида тўпланган фото ва видеоматериаллар шахсий маълумотлар ҳамда тижорат сирига оид қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда Агентлик расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ҳамда ОАВда эълон қилиниши мумкин.

35. Назорат харидини амалга оширишда юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралashiш ҳамда текширувлар ўтказиш қатъиян тақиқланади.

36. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

37. Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишига тўсқинлик қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

38. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) назорат харидини ўтказиш ва маҳсулотлар экспертизаси (тестдан ўтказиш) натижалари устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

612 «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадониди қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармониға мувофиқ «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларға янги турмуш қураётганида ўз хонадониди қўшимча уй-жой қуриш учун 33 мил-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 октябрда эълон қилинган.

лион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадониди қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га кирган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га кирган ёшларнинг янги турмуш қураётганда (кейинги ўринда — ёшларнинг алоҳида тоифаси) ажратиладиган кредит манбаларини шакллантириш тартиби;

кредитни ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратиш тартиби;

ёшларнинг алоҳида тоифасига нисбатан белгиланадиган, жумладан, 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, янги (иккала томон учун биринчи маротаба) турмуш қурган, илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредити олмаган бўлиши ва бошқа мувофиқлик мезонлари;

ёшларнинг алоҳида тоифасига ажратилган кредитлар мониторингини олиб бориш ва уларни қайтариш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққийёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 октябрь,
637-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарорига
ИЛОВА

**«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган
оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га
киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги
хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг (кейинги ўринларда — ёшларнинг алоҳида тоифалари) якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом қоидалари қуйидагиларга нисбатан:

тижорат банкларининг (кейинги ўринларда — банк) ички кредит сиёсатига мувофиқ ўз маблағлари, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан жисмоний шахсларга уй-жой (квартира) сотиб олиш, қуриш (реконструкция қилиш), таъмирлаш учун ипотека кредитлари ажратишга;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти томонидан белгиланган тартиб ва шартлар, банкларнинг ички сиёсати, шунингдек, мазкур ташкилот ва банклар ўртасида тузилган шартномалар асосида унинг маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари ажратишга;

уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш (реконструкция қилиш)га фуқароларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлашга;

якка тартибдаги уй-жой қурилишига рухсат олиб, лекин кейинчалик сотиш мақсадида қурилган якка тартибдаги уй-жойларни ипотека кредитлари орқали сотишга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи — якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит олиш мақсадида банкка ариза тақдим этган ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб фуқаро;

биргаликда қарз олувчи — қарз олувчининг кредити асосий суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек, кредит бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

бошланғич бадал — якка тартибдаги хонадонда қуриладиган қўшим-

ча уй-жой қийматининг кредит олиш учун қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган меъёрларда шакллантириладиган қисми;

кредит — ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача ажратиладиган гаровсиз кредит;

иштирок этувчи тижорат банклари — ёшларнинг алоҳида тоифалари томонидан якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан кредит тақдим этувчи банклар;

пудрат ташкилоти — якка тартибдаги уй-жойларни ўз маблағлари, банк кредити ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қуришни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти;

уй-жой — ёшларнинг алоҳида тоифаларининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда ўз хонадонда қурилган якка тартибдаги қўшимча уй-жойлар;

қарз олувчи — якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жойни қуриш учун кредит олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятига эга ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб фуқаро;

қарз юки кўрсаткичи — қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловларининг ушбу қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромадлари миқдорига бўлган нисбати;

якка тартибдаги қўшимча уй-жой — бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати.

2-боб. Кредит манбаларини шакллантириш тартиби

4. Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз асосда ажратиладиган кредитлар қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи тижорат банкларига жойлаштириладиган маблағлар;

тижорат банкларининг ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Молия вазирлигидан олинган маблағ, улар ҳисобидан ажратиладиган кредитлар қарз олувчилар томонидан тўловларни амалга ошириш муддатидан қатъи назар, банклар томонидан Бош битим, шартнома ва унга илова қилинган қайтариш графикларига асосан қайтарилади.

5. Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуришга кредитлар ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига маблағларни жойлаштириш Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ёшларнинг алоҳида тоифаларига кредитлар ажратиш тижорат банклари томонидан мазкур Низомга ва банкларнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Қарз олувчиларга нисбатан белгиланган мувофиқлик мезонлари

6. Қарз олувчилар қуйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим:

а) кредит олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

б) «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг янги турмуш қурганлари (никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган бўлиши лозим);

в) даромад манбаларига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек, кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа даромад манбаига эга бўлиши;

г) қарз юки кўрсаткичи қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловларининг ушбу қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромадларининг 70 фоиздан юқори бўлмаслиги;

д) якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш ишлари қийматининг камида 15 фоизи миқдорида бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши;

е) кредит ажратишни кўриб чиқиш вақтида қарз олувчининг кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;

ж) илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан ва ипотека кредитлари бўйича субсидиялардан фойдаланган ҳолда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда уй-жой билан таъминлаш бўйича бошқа ёрдам олмаган бўлиши;

з) якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун ер участкасига умрбод эгалик қилиши ёки мулк ҳуқуқи ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига эга бўлиши.

7. Қарз юки кўрсаткичи ҳисоб-китобларида қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ойлик даромадлари миқдори улар томонидан охириги 12 ой мобайнидаги (12 ойдан кам ишланган тақдирда — иш-

ланган давр учун) олган даромадлари микдорининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

8. Банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг ўртача ойлик даромадини аниқлашда қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

иш берувчи томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумот;
пенсия тўловлари микдори тўғрисидаги маълумот;
жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумот;
фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган доимий тарздаги даромадларини тасдиқловчи маълумотлар;

давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича декларация;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадларни тасдиқловчи маълумотлар.

Банк қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ойлик даромадини аниқлашда кредит бюродан ёки бошқа расмий манбалардан мустақил равишда олинган, қарз олувчининг даромадларини аниқлаш имконини берувчи маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

9. Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг қарз юки кўрсаткичи белгиланган меъёрдан юқори бўлганда, унинг банк олдидаги қарз мажбуриятини таъминлаш юзасидан юридик ва (ёки) жисмоний шахслар кафилиги қабул қилиниши мумкин.

4-боб. Кредитларни расмийлаштириш ва ажратиш тартиби

10. Кредит банклар томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик шартларида берилади.

11. Кредит ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратилади.

Бунда, қарз олувчининг кредитни қайтариш бўйича мажбурияти таъминоти сифатида ажратилган кредитларнинг муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорлигини қоплаб бериш шarti билан қуйидагилар тақдим этилади:

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг янги турмуш қурган фарзандлари учун — «Саховат ва кўмак» жамғармасининг кафилиги;

«Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг янги турмуш қурган фарзандлари учун — «Аёллар дафтари» жамғармасининг кафилиги;

«Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшлар учун — «Ёшлар дафтари» жамғармасининг кафилиги.

Мазкур бандда назарда тутилган кафиликлар тегишлича «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилади.

12. Ёшларнинг алоҳида тоифаларига кафилик берилганлиги учун тўлов (мукофот пули) ундирилмайди.

13. Қарз олувчига берилиши мумкин бўлган кредитнинг юқори микдо-

ри қарз юки кўрсаткичи бўйича ушбу Низомнинг 6-банди «г» кичик бандида белгиланган меъёрдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бунда, якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жойни қуриш ишлари учун берилиши мумкин бўлган кредитнинг энг кўп миқдори 33 миллион сўмдан ошиб кетмаслиги лозим.

14. Якка тартибдаги қўшимча уй-жойнинг қиймати ушбу Низомнинг 6-банди «д» кичик бандида белгиланган бошланғич бадалнинг минимал миқдори ва 13-бандига мувофиқ берилиши мумкин бўлган кредитнинг энг кўп миқдори йиғиндиси сифатида аниқланади.

15. Ариза берувчи ер участкасида белгиланган тартибда келишилган лойиҳа асосида ҳамда туман (шаҳар) аҳоли пунктлари Бош режаси ва шаҳарсозлик нормаларига мос ҳолда пудрат ташкилоти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар билан ўз хонадонида якка тартибда қўшимча уй-жой қуриш бўйича шартномани имзолайди, ўз кучи билан амалга ошириш ҳолати бундан мустасно.

16. Ариза берувчи банкка кредит олиш учун мурожаат қилган тақдирда, банкнинг масъул ходими унга кредитнинг асосий йўналишлари бўйича изох беради, талаб этиладиган барча ҳужжатлар рўйхати ва тахминий харажатлар турлари билан таништиради.

Бунда, ариза берувчи банкка кредит олиш учун ариза ва ушбу Низомга ҳамда банкнинг ички кредит сиёсатига асосан тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

17. Якка тартибдаги қўшимча уй-жойни қуриш ишлари учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ёшларнинг алоҳида тоифаларига кредитлар банклар томонидан қўйидаги шартлар асосида ажратилади:

1) бозор ставкасида мижоз хоҳишига кўра 6 ой имтиёзли давр билан;

2) 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

3) бошланғич бадали якка тартибдаги хонадонда қўшимча қурилаётган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

4) бир қарз олувчига бериладиган кредитлар 33 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда берилади.

18. Якка тартибда қурилган қўшимча уй-жойнинг қиймати ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган миқдорлардан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

Бунда, қийматнинг ортган қисмини шакллантириш (тўлаш) учун банклар томонидан қарз олувчига Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ва бошқа кредитлар берилишига йўл кўйилмайди.

19. Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси банкнинг ички сиёсатига асосан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағларнинг фоиз ставкаси ҳамда банк маржасини инобатга олган ҳолда қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ кредит шартномасида белгиланади.

Бунда, ёшларнинг алоҳида тоифаларига ажратилган кредитнинг фоиз ставкаси бошқа шахсларга берилган ипотека кредитларининг фоиз ставкаларидан юқори бўлиши мумкин эмас.

20. Ариза берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал шакллантирилишида якка тартибда қўшимча уй-жойни қуриш учун сотиб олинган қурилиш материаллари ва (ёки) бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳисобга олинади.

21. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан сўнг банк уч иш кунда ариза берувчига кредит бериш масаласини кўриб чиқади ҳамда аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

22. Банк томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, уч иш кунда ариза берувчига кредит беришни рад этишнинг сабаблари аниқ ва тушунарли кўрсатилган ҳолда ёзма хулоса юборилади.

23. Ариза берувчи банк хулосасида кўрсатилган камчиликларни бар-тараф этгандан кейин кредит бериш тўғрисидаги ариза билан банкка қайта мурожаат қилишга ҳақли.

24. Ариза берувчига кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, банк уч иш кунда бу ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, банк томонидан ариза берувчига танишиб чиқиш ва ўзи билан олиб кетиши мумкин бўлган кредит шартномаси ва кредитни қайтариш жадвали лойиҳаси тақдим этилади ҳамда банк ва ариза берувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

25. Ажратилган кредит суммаси ишлар қарз олувчининг ўз кучи билан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар жалб этилган ҳолда бажарилганда, банк томонидан нақд пулсиз шаклда бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда босқичма-босқич қарз олувчининг банк пластик картасига, пудрат ташкилоти жалб этилган ҳолларда эса, пудрат ташкилотининг ҳисобварағига ўтказиб берилади.

26. Якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жойни қуриш ишлари пудрат ташкилоти (ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар) ёки қарз олувчи томонидан ўз кучи билан амалга оширилади.

27. Қарз олувчи кредит шартномасини қайтариш графигига асосан ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тўлаб боради.

28. Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредитлар ажратиш ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Кредитлар мониторингини олиб бориш ва кредитни қайтариш тартиби

29. Кредитни қайтариш ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тартиби банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномаси, қонунчилик ҳужжатлари ва банк кредит сиёсати билан тартибга солинади.

30. Кредит бўйича фоиз кредит қолдиғига нисбатан ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва ҳар ойда бир марта ундирилади.

31. Кредит бўйича асосий қарзни ва фоизни тўлаш тартиби кредит шартномасида белгиланади. Бунда, ҳисобланган фоиз ва кредит бўйича асосий қарз банк ва қарз олувчи томонидан имзоланган, кредит шартномасига илова қилинган тўловлар жадвалида белгиланган муддатларда ундирилади.

32. Банк кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида банкнинг масъул ходими кредитдан мақсадли фойдаланилиши, асосий қарз ва фоизнинг тўла-нишини назорат қилиб боради.

33. Кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик учун қарз олувчига нисбатан банк томонидан қўлланиладиган чоралар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

34. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўлови белгиланган муддатларда тўланмаганда, банк ходими қарз олувчи билан шахсан учрашиб мажбуриятини бажарилмаётгани сабабини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чорасини кўришни талаб қилади.

35. Кредит мониторинги давомида тақдим этилган ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида банк томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда, банк мақсадсиз фойдаланилган маблағ ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олади.

36. Кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтармаслик хавфи юзага келса, банк кредит шартномаси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида тўлов (қайтариш) муддати келган кредит ва фоиз тўловларини ундириш чораларини кўради.

Берилган кредитни муддатидан олдин ундириш мақсадида банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг ҳар қандай ҳисобварақларидан (омонат, банк карталаридаги) маблағларни акцептсиз тартибда ундириб олиши ва қарздорликни қайтаришга йўналтириши мумкин. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

37. Кредит бўйича муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорликни қарз олувчидан уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган тақдирда, ушбу қарздорликлар тегишлича мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган кафилликлар ҳисобидан бир ой ичида қоплаб берилади.

Бунда, қоплаб берилган кредит қарздорлиги суммасини тегишлича «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармаларига ушбу жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан қарз олувчидан регресс тартибида ундириш чоралари кўрилади.

5-боб. Қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш

38. Ариза берувчи кредит олиш учун банкка мурожаат қилганда, банк кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини бепул тарзда такдим этади.

39. Банк ариза берувчига кредит бўйича тўланиши лозим бўлган ойлик тўловлар миқдори ҳамда ариза берувчининг даромадларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тўловларни тўлаш учун унинг имконияти етиши (ёки етмаслиги) ҳақида тушунтириш беради.

40. Кредит шартномаси имзоланмасдан олдин банк ариза берувчига ушбу шартнома лойиҳасини танишиб чиқиш учун ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

41. Банк қарз олувчига кредит шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини кредитни қайтариш жадвалини илова қилган ҳолда такдим этиши керак.

42. Банк кредит ажратишда банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда банклар фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаши шарт.

43. Қарз олувчи қурилган якка тартибдаги қўшимча уй-жойнинг тўлиқ қийматини йўқолиш ва шикастланиш хавфларидан суғурта қилишда суғурта ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

44. Ариза берувчи (қарз олувчи) давлат органлари ва ташкилотлари, тижорат банклари ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

45. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**613 Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон қарорига мувофиқ:

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ташкил этилганлиги;

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритиши белгиланганлиги;

беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб берилиши бўйича тартиб белгиланганлиги;

онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилиши;

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига гематология хизматларини кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида» 2021 йил 3 августдаги 492-сон қарори билан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази бино ва иншоотларида мослаштириш ва қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланганлиги ҳамда зарур маблағлар ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини (кейинги ўринларда — Марказ) Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 октябрда эълон қилинган.

3. Қўйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

болаларда гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликларни барвақт аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволашни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошириш;

соҳада юқори технологияларга асосланган фундаментал, инновацион ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

илғор хорижий тажриба асосида болалар гематологияси ва онкологияси ҳамда клиник иммунология йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

гематологик ва онкологик касалликларга чалинган болаларга паллиатив тиббий хизмат кўрсатиш;

нуфузли хорижий тиббиёт марказлари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Белгилансинки:

а) Марказ:

юридик шахс мақомига эга бўлган давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари Марказнинг ташкилий-методик ҳудудий бўлинмалари ҳисобланади;

фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалдаги тартиблар татбиқ этилади;

б) Марказга Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2021 йил 20 декабрга қадар республика ва вилоят миқёсида болалар гематологияси, онкология ва клиник иммунологияси йўналишидаги тиббий хизматлар ҳажми ва тури бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

2021 йил 20 декабрга қадар Марказнинг тузилмаси ва уставини ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

2021 йил 25 декабрга қадар Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Марказнинг фаолият йўналишини инобатга олган ҳолда барча юқори технологик ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш нуқтаи назардан штат нормативларини тасдиқласин;

2021 йил 1 ноябрга қадар Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Марказ Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда инвестиция дастурлари доирасида иқтисод қилин-

ган маблағлар ҳисобидан тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказга тажрибали хорижлик мутахассислар раҳбарлик лавозимларига жалб қилинишини таъминласин.

7. Қўйидагилар:

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ҳамда жиҳозлаш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

худудлардан республика бош тиббиёт ташкилотларига темир йўл ёки авиатранспорт воситалари орқали бепул келишни таъминловчи ваучер шакли ва уни расмийлаштириш тартиби, тиббиёт ташкилотлари томонидан тақдим этилган ваучерлар асосида расмийлаштирилган йўл чипталари ҳисоботини умумлаштириш тартибини назарда тутувчи Онкологик ва гематологик беморларнинг худудлардан онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

онкологик ва гематологик беморларнинг йўлланма асосида давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи Онкологик ва гематологик беморларга йўлланма асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб онкологик ва гематологик беморларнинг худудлардан республика ихтисослаштирилган марказларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши учун 2021 йил маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан ажратилишини ва келгуси йилларда бюджет параметрларини шакллантиришда мазкур тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Транспорт вазирлиги билан биргаликда худудлардан онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича республиканинг бош

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиббиёт ташкилотларига темир йўл ёки авиатранспорт воситалари орқали бепул келувчи беморлар учун йўл чипталарини расмийлаштиришга асос бўлувчи махсус ваучер шаклини;

Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирувчи беморларнинг давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида бепул позитрон-эмиссион томография текширувини ташкил этиш учун махсус йўлланма бериладиган касалликлар рўйхатини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда онкологик ва гематологик беморларга йўлланма асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш учун 2021 йилда республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида ва 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 5 октябрдаги 209-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» ДУК Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомаси бўйича белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонлари ва уларга гувоҳнома бланкалари тайёрланишини таъминласин».

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 октябрь,
643-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 13 октябрдаги 643-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник
иммунологияси маркази фаолиятини самарали ташкил
этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан
таъминлаш ҳамда жиҳозлаш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Ўзбекистон Республикасида болалар онкологияси ва
гематологияси хизмати ҳолати**

Ўзбекистон Республикасида аҳоли, хусусан, гўдақлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда баркамол ва соғлом авлод бўлиб етишиши имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, миллий генофондни ҳар томонлама мустаҳкамлаб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, кўлами, сифати ва қулайлигининг йил сайин ортиб боришига олиб келмоқда.

Кўрилган чоралар натижасида 2021 йилга келиб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида 200 та аёллар скрининг хоналари ташкил этилиб, ногиронлик билан туғилиш кўрсаткичи 30 фоизгача, гўдақлар ҳамда 5 ёшгача болалар ўртасидаги ўлим кўрсаткичлари 2018-2019 йилларга нисбатан 1,2 баробаргача камайди.

Республика бўйлаб онкологик бемор болаларга нур терапияси учун амалиётга 18 та замонавий чизиқли тезлаткичга эга радио ва гамматерапевтик ускуналар татбиқ этилди.

Шу билан бирга, болалар ўртасида гематологик ва онкологик касалликлар билан касалланиш кўрсаткичи ортиб бормоқда.

Хусусан, болалар ўлими кўрсаткичи ҳар 100 минг болага нисбатан 9,2 ни ташкил этиб, жароҳатланишдан (травматизм ва бахтсиз ҳодисалар) кейин 2-ўринда қолмоқда. Бу кўрсаткич АҚШ да 2,0, Россияда 2,8 ва Қозоғистонда 2,7 ни ташкил этади.

Ўзбекистонда йилига ўрта ҳисобда 1 300 нафаргача 0 — 18 ёш бўлган болаларда гематологик ва онкологик касалликлар биринчи бор қайд этилиб, жами касалланганлар сони 100 минг болага нисбатан 7,5 ни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 17,0, Россияда 11,2 ва Қозоғистонда 9,7 ни ташкил этади.

1. Болаларга гематология ва онкология йўналишлари бўйича юқори технологик ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишда бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

а) маъмурий-ташкилий тузилма ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида:

соҳанинг яхлит вертикал тизими ташкил этилмаган;

республика болалар онкологияси (115 ўрин) ҳамда болалар гематологияси (435 ўрин) вилоят (туман, шаҳар) даражасида икки йўналишдаги алоҳида тиббиёт муассасаларида ташкил этилган бўлиб, мазкур йўналишдаги беморларни даволашда мультидисциплинар ёндашув мавжуд эмас;

ҳудудий болалар гематология ва онкологияси бўлимлари мослаштирилган биноларда ташкил этилган, мазкур инфратузилма қувватлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди ҳамда амалдаги санитария меъёрлари ва қоидалари талабларига тўлиқ жавоб бермайди — кичик жарроҳлик амалиётлари ва тиббий муолажаларни ўтказиш хоналари, оғир ҳолатдаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун стерил палаталар мавжуд эмас;

оғир беморларга яшаш сифатини яхшилаш мақсадида паллиатив тиббий хизмат, уларни парвариш қиладиган оила аъзоларини тайёрлаш ва қўллаб-қувватлашга доир дастур ва ижро механизми ишлаб чиқилмаган.

б) кадрлар билан таъминланганлик, илмий салоҳият ва замонавий амалиётларни татбиқ этиш соҳасида:

республика бўйича жами 83 нафар (ҳар бир ҳудудда ўртача 4 нафар) «болалар онкологи ва гематологи» бўйича мутахассислар фаолият юритади, илмий даражага эга ходимлар 6 нафарни (1 нафар фан доктори, 5 нафар фан номзоди) ташкил этади;

соҳадаги юқори технологияли амалиётларнинг улуши 10 фоизни ташкил этади, бугунги кунда ўта зарур ҳисобланган ўзак ҳужайра трансплантацияси, иммунофенотипик, молекуляр-генетик текширувлар каби замонавий диагностика ва даволаш усулларини татбиқ этиш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд эмас;

соҳа бўйича илмий изланиш ва фундаментал, амалий ва инновацион (грант) лойиҳаларнинг йўқлиги соҳа ривожига, шунингдек, касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасидаги ишларга салбий таъсир этмоқда.

в) дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда зарур сарф анжомлари билан таъминланиш соҳасида:

гематологик касалликларга чалинган беморларнинг дори воситалари билан таъминланиши ўртача 30 фоизни, онкологик беморлар учун эса 85 фоизни ташкил этмоқда;

дори воситалари билан қамраб олинмаган гематологик касалликка чалинган болаларга бир даво курси давомида (2 йил) умумий ҳисобда 10 минг АҚШ долларигача, онкологик беморларга эса бир даво курси учун (7 — 10 кун) 4 млн сўмгача маблағ сарфламоқда;

қайд этилган тиббиёт муассасаларида ўқув-амалий ва илмий лабораториялар талаб даражасида ташкил этилмаган, замонавий лабораторияларда диагностик асбоб-ускуналар салмоғи 45 фоизни ташкил этади, шу билан бирга, лаборатория материаллари (реактив, реагент, бутловчи ва сарфлаш анжомлари ва бошқалар) билан етарли таъминланмаган;

молиявий харажатларнинг асосий қисми иш хақиға сарфланиб, ўқув-амалий ва илмий лабораториялар фаолиятини самарали ташкил этишга тарли маблағ йўналтирилмаган.

г) халқаро ҳамкорлик соҳасида:

бугунги кунда Россия (Д. Рогачев номидаги Миллий болалар гематология, онкология ва иммунологияси илмий-тадқиқот маркази), Германия (Шарите клиникаси), Корея (авлиё Мария госпитали) каби давлатлар билан ҳамкорлик меморандумлари мавжуд бўлиб, унинг доирасида фақатгина мураккаб ташхисли беморлар консултацияси амалга оширилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасида болалар гематологияси ҳамда онкологияси хизматини янада ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари

2. Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон қарори билан белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритиши режалаштирилган.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

Марказнинг мақсадлари:

Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, болаларга кўрсатиладиган гематологик, онкологик ва клиник иммунологик тиббий ёрдам сифатини халқаро стандартлар даражасигача кўтариш;

болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси соҳасида илмий-амалий изланишларни олиб бориш;

болаларда гемобластоз, солид ўсмалари, марказий ва периферик нерв тизими ўсмалари, гематопоетик депрессиялар, ирсий ҳамда орттирилган иммун ва қон касалликларини даволашнинг ҳамда тиббий реабилитациянинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

ўзак ҳужайралари трансплантацияси амалиётини Марказ фаолиятига жорий қилиш;

хавфли ўсмалар, шу жумладан, лимфоид ва гематопоетик хавфли ўсмалар, қон касалликлари ва иммун механизмларга таъсир ўтказган бошқа патологиялари мавжуд болаларга бирламчи тиббий-санитария ёрдамини,

ихтисослашган юқори технологик ёрдам ҳамда тиббий реабилитация ёрдами кўрсатиш, шунингдек, бу каби патологиялари мавжуд болаларни қонуний вакили билан биргаликда санатор даволашни амалга ошириш.

3-боб. Марказнинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва жиҳозлаш

3. Болаларга гематологик ва онкологик хизмат кўрсатишда халқаро талабларга жавоб берадиган мутлақо янгича ёндашувни шакллантириш мақсадида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда дастлабки босқичда 240 ўринли алоҳида бинога (кейинги ўринларда — Бино) жойлаштирилади. Шу билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари қошида жами — 345 ўринни ташкил этган болалар гематология, онкология ва клиник иммунология бўлимлари фаолият юритади. Бунинг натижасида республика миқёсида болалар учун алоҳида бўлган 585 стационар ўринли гематологик, онкологик ва клиник хизмат кўрсатиш ташкил этилади.

4. Бино корпусларида болалар гематология, онкология ва клиник иммунология касалликлари аниқланган беморлар учун мультиихтисослашган хизмат кўрсатиш мақсадида таркибида барча тор мутахассислардан иборат маслаҳат поликлиникаси фаолият юритади.

5. Бинода стационар шароитда даволанувчи беморлар учун қабул бўлими, тегишли клиник бўлимлар ташкил этилади.

6. Бино стационар бўлимларида палаталар бир ва икки кишилик бўлиб, мустақил санитария хонасига эга бўлади. Палаталарда махсус кондиционер-вентиляция мосламаси ёрдамида стерил ҳолатни сақловчи микроклим шароити яратилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, беморнинг ҳар хил инфекциялар билан мулоқотда бўлишининг олдини олиш имкониятини яратади.

7. Бино таркибида жарроҳлик бўлими, бокс хоналаридан ташкил топган реанимация бўлими ва алоҳида стерил бокс хонали трансплантация бўлими ташкил этилади.

8. Бино стационар бўлимларида муолажа хонаси, қон қуйиш, кимёвий дори воситаларини тайёрлаш, стернал ва эндолюмбал пункция амалиёти ва бошқалар учун алоҳида хоналар ажратилади.

9. Бинонинг пастки қаватларида алоҳида кундузги даволаш бўлими жойлаштирилади.

10. Диагностика йўналиши бўйича одатдаги тадқиқот усуллари билан бир қаторда халқаро стандартларга мос келадиган қуйидаги бўлимлар — Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказлари учун умумий хизмат қиладиган лабораториялар ва бўлимлар ташкил этилади:

- а) юқори технологияли диагностика усуллари:
«Янги форматдаги бактериологик лаборатория»;

«Молекуляр генетика, цитогенетика ва цитофлуометрия лабораторияси»;

«Морфология, гистология ва иммуногистокимё лабораторияси»;

«Иммунофенотиплаш ва HLA генотиби лабораторияси»;

«Иммуннокимё лабораторияси»;

замонавий ультратовуш диагностикаси (УЗД);

рақамли рентген аппарати ёрдамида текшириш;

денситометрия текшируви.

б) мақсадга мувофиқлик ва энг мақбул йўллари танлаш тамойилидан келиб чиқиб Марказ ривожланишининг иккинчи босқичида қуйидаги умумий хизмат қиладиган бўлим ва бўлинмалар учун янги бинолар қурилади:

мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ);

магнит-резонанс томография (МРТ);

нур терапияси бўлими;

«Ўзак хужайралари банки»;

трансплантология бўлими;

«Қон банки» бўлими.

11. Онкогематология беморлари учун марказлашган умумий озик-овқат таъминоти блоки яратилади. Маҳсулотларга махсус иссиқлик билан ишлов берилади ва нур билан дезинфекция қилинади, қадоқланган, стерил шаклдаги таомлар беморлар палатасига етказиб берилади.

12. Марказда ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида рўйхатга олинган онкогематологик беморлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун автоматлаштирилган ахборот тизими — «Канцер-регистр» яратилади.

13. Даволанаётган бемор болаларнинг узоқ вақт давомида стационар даволанишини эътиборга олиб Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда халқаро хайрия фондлари ва ҳомийлар ёрдамида таълим олишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бемор болалар учун мактаб ташкил этилади. Мактабда республика миқёсида ўқишни давом эттириш учун офлайн ва онлайн ўқитиш тизими жорий этилади, бу бемор болаларнинг ўқув фанларини самарали ўзлаштиришига, дастурдан қолиб кетмаслигига имкон беради.

14. Гематология, онкология ва клиник иммунология, жумладан, лейкоз касалликлари бўлган бемор болаларнинг протокол бўйича тўлиқ ҳамда узлуксиз даволаниши жараёнини амалга ошириш учун кундузги даволаниш шароитида ота-оналари билан бирга бўлишларини таъминловчи ҳамма қулайликларга эга бўлган 200 ўринли «Хостел» халқаро хайрия фондлари ва ҳомийлар ёрдамида ташкил этилади.

4-боб. Марказни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш

15. Марказда болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси йўналиши бўйича илмий изланишларни олиб бориш, кадрларни

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади.

16. Марказнинг илмий бўлимида «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказининг ҳудудий бўлимлари билан ишлаш», «Халқаро алоқалар», «Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш», «Иммунология», «Ирсий коагулопатиялар ва тромбозлар», «Болалар онкологияси ва радиацион терапияси», «Жарроҳлик, анестезиологик ва реанимацион тадқиқотлар» йўналишларида ўқув жараёнлари ва илмий изланишлар олиб борилади.

17. Марказ ходимларининг салоҳиятини юксалтириш мақсадида улар етакчи маҳаллий ва хорижий тиббий таълим муассасалари ҳамда клиникаларида жарроҳлик, трансплантология, анестезиология ва реанимация, трансфузиология, радиология, радиацион терапия, замонавий молекуляр-генетик лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича қайта тайёрланади ва малакаси оширилади.

18. Марказ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларидаги гематология ва онкогематология бўлимлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мониторинг қилиш, мувофиқлаштириш учун ҳудудий мутахассислар тайёрланади, қайта тайёрланади ва малакасини ошириш жараёнлари амалга оширилади.

5-боб. Марказнинг истиқболдаги устувор мақсадлари

20. Марказнинг истиқболдаги устувор мақсадлари қуйидагилардан иборат:

болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган нуфузли даволаш муассасаси мавқеига эга бўлиш;

кадрлар салоҳияти, олимлар ва профессорлар таркиби борасида республиканинг энг йирик илмий-амалий ва ўқув марказлари қаторидан жой олиш;

йилига бирламчи аниқланган 1 500 та бемор болаларни қабул қилиш даражасига етиш;

болаларда гемопозетик ўзак хужайралари трансплантациясини амалга ошириш;

замонавий биобанкни яратиш;

канцер-регистрни яратиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 13 октябрдаги 643-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Онкологик ва гематологик беморларнинг ҳудудлардан онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотларига темир йўл ҳамда авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом онкологик ва гематологик беморларнинг ҳудудлардан онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатларни тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Онкологик ва гематологик беморларга онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотларида даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланма берилган тақдирда:

Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидан беморнинг танлови асосида темир йўл ёки авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ;

Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидан темир йўл орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

2-боб. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан темир йўл ёки авиатранспорт воситалари орқали бепул келишни расмийлаштириш тартиби

3. Онкологик ва гематологик беморларга онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотларига (кейинги ўринларда — республика бош тиббиёт ташкилотлари) ушбу тиббиёт ташкилотларининг ҳудудий филиаллари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда — тиббиёт ташкилотлари) томонидан даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланма билан биргаликда ҳудудлардан — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан темир йўл ёки авиатранспорт воситалари орқали бепул келиши учун махсус ваучер (кейинги ўринларда — ваучер) расмийлаштирилади.

4. Ҳудудлардан республика бош тиббиёт ташкилотларига темир йўл ёки

авиатранспорт воситалари орқали бепул келишини таъминловчи ваучер шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан Транспорт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Бунда Вазирлик томонидан ваучер нусхалари кўпайтирилиб тиббиёт ташкилотларига етказилади.

5. Вазирлик ҳар ойнинг 5-кунига қадар кейинги ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика бош тиббиёт ташкилотларига даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланма асосида ташриф буюрувчи беморлар сони тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Uzbekistan Airways» АЖга (кейинги ўринларда — транспорт ташкилотлари) тақдим этади.

6. Транспорт ташкилотлари Вазирлик томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида республика бош тиббиёт ташкилотларига даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланма билан келувчи беморлар учун йўл чипталари захирасини шакллантиради.

7. Бемор ёки унинг қонуний вакили республика бош тиббиёт ташкилотларида даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланмани ва ваучерни ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатни унга Тошкент шаҳрига келиши учун зарур бўлган кундан уч иш куни олдин темир йўл ва/ёки авиатранспорт кассаларига тақдим қилади ва темир йўл ва/ёки авиатранспорт кассаларида ушбу иш куни давомида йўл чипталари бепул расмийлаштирилади.

Бунда:

йўл чипталари «Afrosiyob» электропоездлари, «Шарқ», «Насаф», «Ўзбекистон» йўловчи поездлари ҳамда ҳаво кемаси учун тежамкор «есопот», шунингдек, бемор ёки унинг қонуний вакили хоҳишига кўра шаҳарлараро қатновчи йўловчи поезди таркибида ҳаракатланувчи йўловчи вагонлар учун плацкарт ёки купе тоифаси бўйича расмийлаштирилади;

бемор ёки унинг қонуний вакили ихтиёрига кўра қўшимча тўлов асосида тежамкор «есопот» тоифасига кирмайдиган йўл чипталари расмийлаштирилиши мумкин.

8. Агар бемор ёки унинг қонуний вакили темир йўл ва/ёки авиатранспорт кассаларига мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган муддатдан кеч мурожаат қилган тақдирда, транспорт ташкилоти ушбу беморнинг Тошкент шаҳрига келиши учун зарур бўлган кунга йўл чипталарини расмийлаштиришга агар ушбу йўналишда йўл чипталари қолмаган бўлса, мажбур ҳисобланмайди.

9. Ваучерсиз темир йўл ва/ёки авиатранспорт кассаларига мурожаат қилган беморларга белгиланган тартибда пуллик асосда йўл чипталари расмийлаштирилади.

3-боб. Транспорт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича харажатларни қоплаш тартиби

10. Тиббиёт ташкилотлари томонидан тақдим этилган ваучерлар асо-

сида расмийлаштирилган йўл чипталари ҳисоботи транспорт ташкилотларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан умумлаштирилади ҳамда ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар тўловни амалга ошириш юзасидан талабномани шакллантиради ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига юборади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари транспорт ташкилотларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим этилган тўловни амалга ошириш юзасидан талабнома асосида ўн кун муддат ичида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан транспорт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича харажатларни қоплаб беради.

4-боб. Якунловчи қоидалар

12. Тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари онкологик ва гематологик беморларга ваучерларни мақсадли расмийлаштириш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 13 октябрдаги 643-сон қарорига
4-ИЛОВА

Онкологик ва гематологик беморларга йўлланма асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тиббий хизматлар кўрсатишнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотлари (кейинги ўринларда — республика бош тиббиёт ташкилотлари) йўлланмалари асосида давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирувчи беморларни (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан белгиланган тартибда

аниқланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган мижозлар) позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш учун давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом талаблари шошилиш тиббий ёрдам, тез тиббий ёрдам ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига (ҳолатларига) нисбатан татбиқ этилмайди.

2-боб. Беморларни позитрон-эмиссион томография текширувидан бепул ўтишга йўналтириш тартиби

3. Позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш бўйича махсус йўлланма (кейинги ўринларда — махсус йўлланма) республика бош тиббиёт ташкилотлари томонидан тегишлилиги бўйича даволаниш учун белгиланган тартибда имтиёзли йўлланма асосида келган беморларга берилади.

4. Махсус йўлланма бериладиган касалликлар рўйхати (кейинги ўринларда — касалликлар рўйхати) Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

5. Махсус йўлланма республика бош тиббиёт ташкилотлари томонидан касалликлар рўйхатига мувофиқ беморни дастлабки тиббий текширувидан ўтказишда позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш лозимлиги тўғрисида хулоса бўлганда беморга ушбу Низомга иловада* келтирилган шаклда берилади.

6. Махсус йўлланма Марказ раҳбари томонидан бир иш куни ичида расмийлаштирилади.

3-боб. Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан позитрон-эмиссион томография текширувини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби

7. Республика бош тиббиёт ташкилотлари:

давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўтказилган позитрон-эмиссион томография текшируви учун Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган прејскурант бўйича тўловларни амалга оширади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аутсорсинг шартлари асосида махсус йўлланмалар бўйича кўрсатилган хизмат ҳажмига мутаносиб равишда тўловларни амалга оширади.

8. Махсус йўлланма асосида имтиёзли тоифага кирувчи беморларни

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли йўналиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

9. Махсус йўлланма асосида имтиёзли тоифага кирувчи беморларнинг позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлар нодавлат тиббиёт ташкилотларида кўрсатилганда белгиланган тартибда солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25 фоизи ҳисобидан қопланиши мумкин.

10. Нодавлат тиббиёт ташкилотларида белгиланган тартибда солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25 фоизи ҳисобидан позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтувчи беморлар сони Вазирлик томонидан тегишли нодавлат тиббиёт ташкилоти билан келишган ҳолда белгиланади ва ушбу маълумотлар ҳар чоракда республика бош тиббиёт ташкилотларига тақдим этилади.

11. Давлат тиббиёт ташкилотларида позитрон-эмиссион томография текширувини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар махсус йўлланма берган тиббиёт ёки текширувни ўтказган тиббиёт ташкилоти, шунингдек, республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли йўналиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши Вазирлик томонидан белгиланади.

12. Ўтказилган позитрон-эмиссион томография текшируви натижасида юзага келган асоратлар билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишлилиги бўйича позитрон-эмиссион томография текширувини ўтказган ташкилот ҳисобидан қопланади.

13. Агар бемор позитрон-эмиссион томография текшируви учун тегишли махсус йўлланмасиз давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотига бевосита ўзи мурожаат этса, текширув белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Позитрон-эмиссион томография текшируви учун давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотига берилган махсус йўлланма қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, берилган махсус йўлланма бўйича ҳисобот шакли Вазирлик томонидан тасдиқланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Республика бош тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари махсус йўлланмаларнинг мақсадли берилиши ва тасдиқланган тиббий ёрдам сифати стандартларига ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**614 Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга малакали ўқитувчи-педагогларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ҳамда «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 январдаги ПҚ–4940-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим беришни яхшилаш учун бошқа ҳудудлардан тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 январдаги ПҚ–4940-сон қарорида:

а) 2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинганлиги, бунда:

бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз махсус устамалар тўланиши;

б) таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир йил ишлаган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилиниши;

в) таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланиши;

г) бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги йил учун ҳам тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) умумтаълим фанларидан бири бўйича халқаро тан олинган сертификати

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 октябрда эълон қилинган.

катга ёки Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарорига мувофиқ умумтаълим фанларини билиш даражаси тўғрисидаги сертификатга эга бўлган:

педагогика йўналишидаги олий таълим муассаса (факультет)ларининг 2021 йил ва ундан кейинги йиллардаги битирувчилари бир маъмурий-худудий бирлик доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб, таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда меҳнат фаолиятини амалга оширганда, уларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз ва бошқа маъмурий-худудий бирликдан келиб меҳнат фаолиятини амалга оширганда, уларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз махсус устамалар тўланади;

олий маълумотли педагог ходимлар ва педагогика йўналишидаги олий таълим муассаса (факультет)ларининг битирувчилари тўғридан-тўғри иккинчи малака тоифасига эга бўлади;

б) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланган ҳудудлар рўйхатидаги ҳудудларда жойлашган ва таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга бошқа ҳудудлардан жалб этиладиган ўқитувчи-педагогларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида» 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарорида белгиланган қўшимча устамалар ва компенсациялар тўланади.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим бериш учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Халқ таълими вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериши учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш схемаси;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга бошқа ҳудудлардан жалб этиладиган ўқитувчи-педагогларга қўйиладиган талаблар;

бошқа ҳудудлардан жалб қилинган ўқитувчи-педагогларни ишга қабул қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш тартиби.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 октябрь,
646-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 октябрдаги 646-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим
бериш учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни
жалб этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим бериш учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) билан биргаликда шакллантириладиган рўйхатга киритилган умумтаълим мактаблари;

бошқа ҳудудлардан жалб этиладиган ўқитувчи-педагоглар (кейинги ўринларда — ўқитувчи-педагоглар) — таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга меҳнат шартномаси асосида бир маъмурий-ҳудудий бирлик доирасидаги бошқа туман (шаҳар)дан ёки бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан (бошқа вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри) фаолият юритишлари учун жалб этилган олий ва биринчи тоифали педагоглар;

электрон платформа — таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар тўғрисида маълумотлар акс эттирилган ҳамда уларга бошқа ҳудудлардан жалб этиш учун ўқитувчи-педагогларни рўйхатдан ўтказишга мўлжалланган Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имконияти яратилган, Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган электрон тизим.

3. Ушбу Низом талаблари Вазирлик тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — мактаблар) нисбатан татбиқ этилади.

4. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим бериш учун бошқа хуудлардан ўқитувчи-педагоглар уларнинг электрон платформада рўйхатдан ўтиши орқали жалб қилинади.

5. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда таълим бериш учун бошқа хуудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш мазкур Низомнинг иловасида* белгиланган схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатини шакллантириш ва эълон қилиш

6. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатини шакллантириш мезонлари (кейинги ўринларда — баҳолаш мезонлари) Вазирлик ва Инспекция томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Бунда:

мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш натижалари — Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларининг бакалавриятига (барча таълим шакллари) талабаларни ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижалари;

мактабнинг рейтинги — Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорида белгиланган тартиб бўйича аниқланган умумий ўрта таълим муассасалари рейтинги натижалари;

«Замонавий мактаблар»га қўйилган талаблар асосида баҳолаш натижалари инобатга олинади.

Таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатини шакллантириш мезонлари ҳар бир ўқув йили учун такомиллаштирилган ҳолда янгидан ишлаб чиқилади.

7. Янги ташкил этилаётган (Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидан ташқари) мактаблар таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатига киритилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқланган мезонлар асосида таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатига киритиладиган мактаблар тўғрисида Вазирликка таклиф киритади.

9. Вазирлик ҳар йили 1 мартга қадар Инспекция билан биргаликда таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатини шакллантиради ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларнинг рўйхати тасдиқланган кундан бошлаб 10 кун ичида Вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Электрон платформада маълумотларни шакллантириш

10. Электрон платформани узлуксиз ишлатиш, молиялаштириш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маълумотларни янгилаб боришни мувофиқлаштириш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

11. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳар йили 15 майга қадар электрон платформага таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар тўғрисида қуйидаги маълумотларни киритади:

мактаб жойлашган ҳудуд (туман/шаҳар), унинг манзили, телефон рақами;

мактабнинг қуввати, таълим бериш тили, ўқувчилар ва синфлар сони; педагоглар сони, сифат таркиби ва мавжуд фанлар бўйича ажратиладиган вакант дарс соатлари.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига жавобгар ҳисобланади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан маълумотларнинг ўз вақтида ва тўғри киритилиши ҳудудий бошқармалар томонидан назорат қилинади.

4-боб. Бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш

12. Ўқитувчи-педагоглар:

тегишли фан йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиши; дарс бераётган фани бўйича биринчи ёки олий малака тоифасига эга бўлиши;

бошқа ҳудудда камида бир йил педагогик фаолият юритган бўлиши; амалда фаолият юритаётган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатида мавжуд бўлмаслиги талаб этилади.

13. Бошқа ҳудудлардаги таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш истагини билдирган ўқитувчи-педагоглар электрон платформа орқали 15 майдан — 1 июлга қадар рўйхатдан ўтиб, мурожаат қилади.

14. Ўқитувчи-педагоглар рўйхатдан ўтишда қуйидаги маълумотларни электрон платформага киритади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

доимий яшаш манзили (ҳудуд, туман/шаҳар номи), телефон рақами;

амалда фаолият юритаётган мактаби;

мутахассислиги;

дарс бераётган фани;

дарс юкламаси;

малака тоифаси;

педагогик иш стажи;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабга боришининг асосий мақсади ва таълим сифатини ошириш бўйича истиқболдаги режасининг қисқача мазмуни.

15. Рўйхатдан ўтиш жараёнида ўқитувчи-педагоглар электрон платформа орқали бориш истаги бўлган бошқа ҳудуддаги мактабларни танлайдилар.

16. Ҳудудий бошқармаларда ҳар йили 1 июлга қадар таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш истагини билдирган ўқитувчи-педагогларни саралаш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) тузилади.

Ишчи гуруҳлар таркибига ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, кадрлар хизмати раҳбари, таълим сифати мониторинги бўлими бошлиғи, молия-иқтисод бўлими бошлиғи, методик хизмат бўлими бошлиғи, психологлар, касаба уюшмаси вакиллари киритилади.

17. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш истагини билдирган ўқитувчи-педагоглар ҳар йили 1 июлдан 1 августга қадар қуйидаги икки босқичда саралаб олинади:

1-босқичда ариза билан рўйхатдан ўтган ўқитувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (диплом бўйича мутахассислиги, малака тоифаси ҳамда таълим даражаси юқори бўлмаган мактабга боришининг асосий мақсади ва таълим сифатини ошириш бўйича истикболдаги режаси) ўрганиб чиқилади;

2-босқичда ариза билан рўйхатдан ўтган ўқитувчилар касбий билим ва кўникмалари, педагогик маҳорати ҳамда психологик қобилияти йўналишида суҳбатдан ўтказилади.

Саралаш онлайн тарзда амалга оширилади.

Суҳбат учун саволлар Вазирлик томонидан тайёрланиб, саралаш эълон қилингандан камида бир ой аввал Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Ишчи гуруҳлар саралашнинг иккинчи босқичи якунлангач, бир кун муддат ичида саралашдан муваффақиятли ўтган ўқитувчи-педагоглар рўйхатини шакллантириб, Вазирликка тақдим қилади ва улар тўғрисида маълумотларни электрон платформага киритади.

18. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабда дарс бериш учун мурожаат қилган ва саралашдан муваффақиятли ўтган ўқитувчи-педагоглар рўйхати ҳар йили 10 августга қадар Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

5-боб. Бошқа ҳудудлардан жалб этилган педагогларни ишга қабул қилиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш

19. Саралашдан муваффақиятли ўтган ўқитувчи-педагоглар ишга қабул қилиш бўйича ҳар йили 25 августга қадар мактаб директориға ёзма ариза билан мурожаат қилади.

Мактаб директори саралашдан муваффақиятли ўтган ўқитувчи-педагогларни қонунчиликда белгиланган тартибда вакант лавозимга янги ўқув йилининг биринчи кунидан бошлаб ишга қабул қилади.

25 августга қадар ёзма ариза билан мурожаат қилмаган ўқитувчи-педагоглар билан меҳнат шартномаси расмийлаштирилмайди, вакант жойга мактаб директори томонидан белгиланган тартибда бошқа ходим ишга олинади.

20. Бошқа ҳудуддан келган ўқитувчи-педагогларга тарификация рўйхати-

ни шакллантириш мезонларидан келиб чиққан ҳолда, камида 1 ставка миқдоридан дарс соати ва ўқув юкнамалари ажратилади. Ўқув режасида умумтаълим фани бўйича ажратилган соатлар 1 ставкадан кам бўлган тақдирда, мазкур фанга ажратилган жами ўқув соатлари ва ўқув юкнамалари берилади.

21. Ўқитувчи-педагогларнинг педагогик фаолияти мунтазам равишда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан мувофиқлаштирилади.

22. Ўқитувчи-педагоглар фаолият юритаётган мактаб икки ўқув йили давомида таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилмаса, ўқитувчи-педагогларга белгиланган бошқа ҳудудлардан жалб этилганлиги учун тўланадиган махсус устамаларни тўлаш тўхтатилади.

6-боб. Бошқа ҳудудлардан жалб этилган ўқитувчи-педагогларга қўшимча ҳақ тўлаш

23. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар белгиланади.

Бунда:

бир маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз миқдоридан;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан — бошқа вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдоридан махсус устамалар тўланади.

24. Бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги ўқув йили учун ҳам тўланади.

25. Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга бошқа ҳудудлардан жалб этилган ўқитувчи-педагогларнинг амалда ишлаган мактабнинг Ишчи гуруҳи томонидан ўрнатилган ҳодимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан белгиланган устама миқдори (фоизи) бир ўқув йили давомида сақланади ва кейинги ўқув йилида ушбу мактабнинг Ишчи гуруҳи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ҳодимларини моддий рағбатлантириш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қароридан белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқа ҳудуддан таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга жалб этилган ўқитувчи-педагогларга муносиб шароитлар яратиш учун уларни борган ҳудудда уй-жойи бўлмаган тақдирда, тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан фаолият олиб борган даврига, бироқ 2 йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида хизмат уй-жойлари ёки туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан база-

вий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси берилишини таъминлайди.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Вазирлик таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга жалб этилган ўқитувчи-педагогларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка таништириб боради.

28. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 октябрдаги 646-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Миллий сертификатнинг тегишли даражасига эга математика фани ўқитувчиларига (Ихтисослаштирилган мактабларнинг математика фани ўқитувчиларидан ташқари) улар фаолият олиб бораётган давлат таълим муассасасининг жойлашувига қараб, базавий тариф ставкасига нисбатан шаҳар ҳудудида жойлашган мактабларда 25 фоиз, қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабларда 50 фоизгача ҳар ойлик устама ҳақ тўланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 24¹-банд билан тўлдирилсин:

«24¹. Таълим даражаси юқори бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларига бошқа ҳудудлардан жалб этилган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг амалда ишлаган умумтаълим муассасасининг директор жамғармасидан белгиланган устама ҳақ (фоиз)лари сақланади.

Мазкур устамалар бир ўқув йили давомида сақланади ва кейинги ўқув йилида таълим даражаси юқори бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг Ишчи гуруҳи томонидан қайта кўриб чиқилади.»

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги «4-курсда» сўзлари «4-курсда, педагогика йўналишларида кундузги, кечки, сиртқи бўлимларининг 3-курсда» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**615** Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳуқуқий мақоми, тузилмаси, асосий вазифалари ва функциялари;

Агентлик фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, ўз таркибий бўлинмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши;

Агентлик раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари;

Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги бир ой муддатда: ушбу қарор билан тасдиқланган Низомдан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 октябрь,
649-сон

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 октябрдаги 649-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги
хузуридаги Маданий мерос агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига (кейинги ўринларда — Туризм ва спорт вазирлиги) бўйсунди, Туризм ва спорт вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

4. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ўз фаолиятида бевосита Агентликка бўйсунди ва ҳисобот беради.

5. Агентлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, Туризм ва спорт вазирлигининг қарорлари ҳамда буйруқларига асосан амалга оширади.

6. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тузилмасига кирувчи ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида шахсий фазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий фазна ҳисобварақларига эгадир.

8. Агентликнинг расмий номи:
- а) давлат тилида:
тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги;
қисқартирилгани номи — Маданий мерос агентлиги;
- б) рус тилида:
тўлиқ номи — Агентство культурного наследия при Министерстве туризма и спорта Республики Узбекистан;
қисқартирилгани номи — Агентство культурного наследия;
- в) инглиз тилида:
тўлиқ номи — Agency of cultural heritage under the Ministry of tourism and sports of the Republic of Uzbekistan;
қисқартирилгани номи — Agency of cultural heritage.
9. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй, 100017.

2-боб. Агентликнинг тузилмаси

10. Агентлик тизимида қуйидагилар кирди:
- Агентликнинг марказий аппарати;
худудий бошқармалар;
- Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи, И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи, Ўзбекистон замонавий санъати музейи, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари тарихи ва маданияти давлат музейлари, Термиз археология музейи, Ангрен шаҳар тарихи музейи, Чирчиқ шаҳар тарихи музейи, Олмалик шаҳар ўлкашунослик музейи, Оққўрғон тумани тарих-ўлкашунослик музей-мемориали;
- «Бухоро», «Шахрисабз», «Самарқанд», «Термиз», «Қўқон», «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхоналари;
- Янгийўл шаҳар Усмон Юсупов мемориал уй-музейи, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, Фафур Фулом уй-музейи, Мухтор Ашрафий уй-музейи, Ойбек уй-музейи, Сергей Бородин уй-музейи, Сергей Есенин музейи, Тамарахоним уй-музейи, Ўрол Тансиқбоев уй-музейи, Юнус Ражабий уй-музейи, Абдулла Қодирий уй-музейи, Абдулла Қодирий мемориал музейи;
- Самарқанд археология институти («Археологик топилмалар фонди» ноёб илмий объекти билан);
- Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси, «Ўзбек — туркман дўстлик уйи» ва «Улли ховли» мажмуаси» дирекцияси, Абу Муин Насафий мажмуасини бошқариш ва ободонлаштириш дирекцияси;
- «Мозийдан садо» журнали тахририяти.

3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**1-§. Агентликнинг вазифалари**

11. Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасида:

моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, қўриқланадиган теграларини белгилаш ҳамда моддий маданий мерос соҳасида давлат назоратини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, моддий маданий мерос соҳасини рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, буюртмачи функциясини бажариш, узлуксиз равишда илмий-техник назорат қилиш, тарихий-маданий экспертиза ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тарихий-маданий қимматга таъсири бўйича экспертизасини амалга ошириш;

б) музейлар соҳасида:

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда музей соҳасида давлат назоратини амалга ошириш;

музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ва музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

в) алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар соҳасида:

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг паспорти, бошқариш режалари, режими, қўриқланадиган теграларини белгилаш, ушбу ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

тарихий жойларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга тавсия этиш, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умумжаҳон мероси қўмитаси тавсияларининг мамлакат ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

г) археология соҳасида:

археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, археология тадқиқоти учун рухсатнома бериш, илмий ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ва унинг сақланишини таъминлаш;

Археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларининг давлатга топширилишини ташкил қилиш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш ва тасарруфдан чиқариш;

археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, ҳалокат ёқасидаги археология объектларида зудлик билан тадқиқот ўтказилишини таъминлаш, археология объектларини консервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология паркларини яратиш;

д) мамлакатимиз ва хориждаги маданий бойликлар соҳасида:

маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши бўйича сертификат бериш ва реализация қилишни мувофиқлаштириш, маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, уларнинг тоифасини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, маданий бойликлар соҳасида давлат назоратини амалга ошириш;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, мунтазам янгилаб бориш ҳамда асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш;

илмий ўрганиш асосида олинган илмий маълумотлар ва уларнинг таҳлилий натижаларига оид библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

2-§. Агентликнинг функциялари

12. Агентлик ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ ушбу параграфда белгиланган функцияларни бажаради.

13. Агентлик моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасида:

а) моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, қўриқланадиган теграларини белгилаш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган объектларни аниқлайди, уларни ҳужжатлаштиради ва давлат ҳисобига олади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари тарихий-маданий экспертизасини ташкил этади ва амалга оширади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари тоифаларини белгилайди;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестрини юритади;

тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестрига киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклиф киритади;

жисман тўла йўқотилган ёки маданий мерос кўчмас мулк объекти сифатида ўз қимматини йўқотган маданий мерос кўчмас мулк объектини моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестридан чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари электрон каталогини юритади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари паспортини шакллантиради ва янгилаб боради;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат кадастрини юритади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат кадастри ахборотини тизимга солади, сақлайди ва янгилаб боради;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот такдим этади;

фойдаланувчиларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат кадастрига оид ахборот билан таъминлайди;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурлари, чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ҳолати мониторингини амалга оширади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида муҳофаза белгилари ўрнатилишини ташкил қилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари қўриқланадиган теграларининг лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил қилади ҳамда тасдиқлайди;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари жойлашган аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларга хулоса беради;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан моддий маданий мерос тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан топилган даромадлар ва уларнинг сарфланишига оид маълумотларни тегишли субъектлардан сўраб олади ҳамда уларга ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатма беради;

моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши, тарғиб қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлайди;

моддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги маълумотларни, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестрини ҳамда давлат реестридан чиқарилган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк

объектлари ҳақидаги тегишли маълумотларни оммавий ахборот воситалари, Агентликнинг расмий веб-сайтида ва бошқа ахборот воситаларида эълон қилади;

оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлар, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этади ва уларга моддий маданий мерос объектларига оид материалларни жойлаштириб боради;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган соҳага оид маълумотларни таҳлил қилиб боради ва зарур ҳолларда уларга тегишли муносабат билдиради;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини муҳофаза қилишга жамоатчилик эътиборини қаратишга хизмат қиладиган оммавий тадбирлар, кўрик-танлов ва бошқа тадбирларни ташкил қилади;

олимлар, халқ усталари, реставраторлар, экспертлар билан яқин ҳамкорлик қилади;

моддий маданий мерос, археология ва музей соҳалари бўйича экспертларнинг рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;

моддий маданий мерос соҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бўйича жамоатчи инспекторлар ягона рўйхатини юритади;

таъмиршунослик йўналишидаги ўзига хос услуб, анъана ва мактабларни ривожлантиришга кўмаклашади;

халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиради, халқаро ва хорижий ташкилотларни жалб этади;

молия институтларининг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик хайрияларини жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

соҳага оид халқаро тажрибаларни ўрганати ва уларни жорий қилиш бўйича таклиф тайёрлайди;

б) моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, соҳани рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича:

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқаради ва улардан фойдаланишни ташкил қилади;

давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхатини тузади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бериш шартлари, шериклик, унинг концепцияси, битими ҳамда тендер ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бериш бўйича тендер ва танловларни белгиланган тартибда ташкил қилади;

инвестиция мажбуриятлари, давлат-хусусий шериклик шаклида ижарага бериладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига оид

маълумотлар базасини яратади, янгилаб боради ва очиқ манбаларда эълон қилиб боради;

давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларидан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилинишини таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига ҳар қандай салбий таъсирларнинг олдини олиш чораларини кўради, узлуксиз равишда давлат ва илмий-техник назорат олиб боради;

маданий мерос соҳасини тўлиқ рақамлаштиради ва соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этади;

маданий мерос объектларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади;

маданий мерос объектларида давлат электрон хизматларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва амалиётга татбиқ этади;

моддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги махсус электрон портални яратади, амалиётга жорий этади, уни моддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдиради;

махсус электрон портални давлат электрон хизматлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими билан интеграция қилади;

бўш турган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини аниқлайди ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бўш турган ва фойдаланиш мумкин бўлган, шу жумладан, ижарага бериладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар базасини яратади, янгилаб боради ва очиқ манбаларда эълон қилади;

бўш турган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг физик ва техник ҳолатини ўрганади, улардан фойдаланиш мумкинлиги ёки фойдаланиш мумкин эмаслиги бўйича хулоса беради;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини текин фойдаланишга бериш асосланганлигини кўриб чиқади ва хулоса беради;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини белгиланган тартибда ижарага беради;

давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб бериш асосланганлигини кўриб чиқади ва хулоса беради;

в) моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, буюртмачи функциясини бажариш, узлуксиз равишда илмий-техник назорат қилиш, тарихий-маданий экспертиза ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тарихий-маданий қимматга таъсири бўйича экспертизасини амалга ошириш бўйича:

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни, шу жумладан, консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, реставрация қилиш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштиришни, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

асрашга доир ишлар амалга оширилиши лозим бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари манзилли рўйхатини шакллантиради ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил этади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни режалаштиради;

асрашга доир ишларни режалаштириш ва амалга оширишнинг барча босқичларини илмий-техник тадқиқ этиш учун ҳар бир объектнинг ўзига хослиги ва ҳолатидан келиб чиқиб илмий-техник тадқиқот гуруҳлари тузади;

илмий-техник тадқиқот гуруҳлари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлайди, бу билан боғлиқ харажатларни асрашга доир ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг тарихий-маданий қимматига таъсири бўйича экспертизадан ўтказилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ этади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишлар учун рухсатномани Вазирлар Маҳкамасининг Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) билан келишган ҳолда беради;

маданий мерос кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни амалга ошириш учун лицензия беради;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга оширишда буюртмачи функциясини бажаради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ–5054-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5150-сон қарорларига асосан Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва Агентликнинг Илмий-эксперт кенгашининг ижобий хулосалари асосида Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш учун Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси ва унинг минтақавий реставрация марказлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва асрашга доир ишларни амалга ошириш учун лойиҳа ва пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузади;

асрашга доир ишлар моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг тарихий-маданий қиммати ва ноёблигига путур етказмаган ҳолда амалга оширилиши бўйича узлуксиз илмий-техник назорат қилади;

асрашга доир ишларнинг моддий маданий мероснинг кўчмас мулк

объектлари ноёблиги ва тарихий-маданий қимматини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди.

Реставраторларнинг янги технологияларини жорий қилиш ҳамда анъанавий меъморчилик асослари бўйича малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этади;

асрашга доир ишларни олиб боришда замонавий техника ва ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш, янги материаллар ва конструкцияларни жорий қилишни таъминлайди.

14. Агентлик музейлар соҳасида:

а) миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

музейлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши ва Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

Миллий музей фондининг давлат каталогини юритади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда Миллий музей фонди таркибига киритади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда Инспекция билан келишган ҳолда Миллий музей фонди таркибидан чиқаради;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда Инспекция билан келишган ҳолда тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш учун махсус рухсатнома беради;

нодавлат музейларга бириктириб қўйилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мулкдори олдида уларнинг сақлаш жойини ўзгартириш ёки уларни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги масалани кўяди;

музейлар фаолияти ва Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланишини назорат қилади, уларни сақлаш шароитларини текширади;

музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳақида Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳисобини юритиш учун зарур бўлган сўровномалар йўллайди ҳамда ахборот олади;

б) музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ва музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича:

музейлар фаолиятини мувофиқлаштиради, қўллаб-қувватлайди ва уларга зарур илмий-методик ёрдам кўрсатади, музейшуносликни ривожлантиради;

музейларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ қилади;

музейларда давлат электрон хизматларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни амалиётга татбиқ қилади;

музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ҳамда аттестациядан ўтказишни ташкил этади;

Миллий музей фондининг очиқлигини таъминлайди;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация қилиш ва асрашга доир ишларни амалга оширади;

музейларнинг тоифаларини белгилайди;

музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

15. Агентлик алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар (кейинги ўринларда — тарихий-маданий ҳудудлар) соҳасида:

а) алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг паспорти, бошқариш режалари, режими, қўриқланадиган теграларини белгилаш, ушбу ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш бўйича:

тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилади;

тарихий-маданий ҳудудларда илмий-тадқиқот фаолиятини йўлга қўяди ва уларни бошқаради;

тарихий-маданий ҳудудларнинг қўриқланадиган тегралари ва уларнинг чегараларига риоя қилинишини назорат қилади;

тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

тарихий-маданий ҳудудларнинг қўриқланадиган теграларининг чегаралари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ва моддий маданий мероснинг қўчмас мулк объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини белгилайди;

тарихий-маданий ҳудудлар паспортларининг ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тасдиқлайди;

тарихий-маданий ҳудудлар режими, қўриқланадиган тегралари ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тасдиқлайди;

тарихий-маданий ҳудудлар паспортларининг ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тасдиқлайди;

тарихий-маданий ҳудудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойиҳаларни қўриб чиқади ва уларга хулоса беради;

тарихий-маданий ҳудудлар паспорти, бошқариш режалари, режими, қўриқланадиган тегралари ва чегараларига риоя қилинишини назорат қилади;

б) тарихий жойларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга тавсия этиш, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умум-

жаҳон мероси қўмитаси тавсияларининг мамлакат ҳудудида бажарилишини назорат қилиш бўйича:

тарих, санъат, фан, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан ҳар томонлама беқиёс қимматга эга бўлган объектларни (ҳудудларни) Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси орқали тавсия этади;

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларнинг қўриқланадиган тегралари чегараларини ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда уларга рия қилинишини назорат қилади;

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларни бошқариш режаларини ишлаб чиқади, Инспекция билан келишган ҳолда тасдиқлайди ва уларга рия қилинишини назорат қилади;

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқади ва уларга хулоса беради;

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойиҳаларнинг меросга бўлган таъсирини баҳолаш ҳисоботлари тайёрланишини ташкил қилади;

Умумжаҳон мероси рўйхатига тавсия этилган ва киритилган ҳудудларни (объектларни) Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умумжаҳон мероси қўмитаси тавсиялари мамлакат ҳудудида бажарилишини ташкил қилади ва назорат қилади;

тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш чораларини кўради.

16. Агентлик археология соҳасида:

а) археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, археология тадқиқоти учун рухсатнома бериш, илмий ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ва унинг сақланишини таъминлаш бўйича:

археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

археология тадқиқотларини амалга ошириш тартиби ва шартларига рия қилинишини назорат қилади;

археология ашёларининг ўз вақтида ҳисобга олиниши ва давлатга топширилишини назорат қилади;

археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлайди, мувофиқлаштиради, назорат қилади;

фан, маданият ва таълим муассасаларида амалга ошириладиган археология тадқиқотларини назорат қилади;

археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш учун рухсатнома беради;

археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш учун рухсатнома беради;

археология тадқиқотлари бўйича илмий ҳисоботларни қабул қилади,

экспертизадан ўтказади, илмий ҳисоботларни йиғади ва уларнинг идоравий архивда сақланишини таъминлайди;

археология соҳасида илмий жамоатчилик кенгашини тузади ва унинг фаолият олиб боришини таъминлайди;

археология соҳасида илмий жамоатчилик кенгашининг хулосаларини инобатга олиб археологнинг профессионал даражасини тасдиқлаш учун очик варақ беради;

археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя қилинишини назорат қилади;

археология ёдгорликларининг электрон базасини яратади ва уни мунтазам янгилаб боради;

б) археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларининг давлатга топширилишини ташкил қилиш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш ва тасарруфдан чиқариш бўйича:

Археология ашёлари давлат каталогини юритади;

археология ашёларини Археология ашёлари давлат каталогида рўйхатдан ўтказиши;

археология ашёларининг давлатга топширилишини ташкил қилади;

археология ашёларини фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиши;

Археология ашёлари давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Инспекция билан келишган ҳолда тасарруфдан чиқариш тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади;

в) археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, ҳалокат ёқасидаги археология объектларида зудлик билан тадқиқот ўтказилишини таъминлаш, археология объектларини консервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология паркларини яратиш бўйича:

археология мероси объектларини муҳофаза қилади;

ҳалокат ёқасидаги археология объектларида зудлик билан тадқиқот ўтказилишини таъминлайди;

археология объектларини консервация қилади, музейлаштиради ҳамда археология паркларини яратади.

17. Агентлик мамлакатимиз ва хориждаги маданий бойликлар соҳасида:

а) маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши бўйича сертификат бериш ва реализация қилишни мувофиқлаштириш, маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, уларнинг тоифасини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, соҳада давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда маданий бойликлар сирасига кирувчи ашёларнинг тоифасини аниқлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши, вақтинча олиб чиқилиши мумкинлиги тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади;

маданий бойликлар, шу жумладан, олиб чиқиладиган ва олиб кириладиган, шунингдек, вақтинча олиб чиқиладиган ва вақтинча олиб кириладиган маданий бойликлар давлат реестрини юритади;

«олиб чиқилади», «вақтинча олиб чиқилади» деб эълон қилинган, шунингдек, вақтинча олиб чиқилганидан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва вақтинча олиб чиқилиши ҳуқуқини берувчи сертификат беради;

ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олади, уларни бадий экспертизадан ўтказиши ҳамда улардан фойдаланишни белгилайди;

маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилади;

маданий бойликларнинг кимошди савдосига (аукционга) қўйилишини келишди, маданий бойликларни реализация қилишни мувофиқлаштиради;

маданий бойликларни реализация қилишда уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин эмаслиги тўғрисида хабардорнинг ёзма равишда огоҳлантирилишини таъминлайди;

ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олиш, уларни бадий экспертизадан ўтказиш ҳамда улардан фойдаланилишини ташкил қилади;

б) мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, мунтазам янгиланган бориш ҳамда асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш бўйича:

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлайди, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратишни ва уни мунтазам равишда янгиланган борилишини таъминлайди;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига доир маданий бойликларга оид тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келади;

тегишли илмий муассаса ҳамда марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид юртимизга олиб келинган маданий бойликларни акс эттирувчи экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда чет мамлакатларда сақланаётган маданий бойликларни аниқлайди, улар сақланаётган ташкилотлар билан илмий алоқалар ўрнатади ҳамда мазкур бойликларни юртимизга қайтариш юзасидан хориждаги мутасадди муассаса ва ташкилотларни аниқлаш ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик-

да ва унинг ёрдамида чет мамлакатларда сақланаётган маданий бойликларни юртимизга қайтариш юзасидан музокаралар олиб бориш учун зарур чора-тадбирлар кўради;

в) илмий ўрганиш асосида олинган илмий маълумотлар ва уларнинг таҳлилий натижаларига оид библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича:

хориждаги мамлакатимизнинг тарихи ва маданиятига оид маданий бойликлар ва уларнинг илмий таҳлилини оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил этади;

илмий ўрганиш асосида олинган илмий маълумотлар ва уларнинг таҳлилий натижаларига оид библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этади, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритади;

халқаро илмий, илмий-маданий конгресслар, конференциялар, симпозиумлар, семинарларни ташкил этади, шунингдек, халқаро илмий ва маданий журналларнинг таҳрир хайъатлари ишларида иштирок этади;

хорижий илмий-маданий ва олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликдаги илмий тадқиқотларни бажариш учун хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг халқаро илмий грантлари жалб этилишини таъминлайди.

4-боб. Агентлик ва унинг таркибий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

18. Агентлик ўзига юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш ва функцияларни бажаришда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Вазирлар Маҳкамасига ўз фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни киритиш;

2) ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда қарорларни қабул қилиш;

3) Агентлик ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида моддий маданий мерос соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

5) қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

6) моддий маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш ва ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

7) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

8) малакали хорижий мутахассисларга Маданий мерос жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда белгиланган тартибда ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

9) меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассисларни Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига шартнома асосида ишга жалб этиш;

10) бошқа давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан, статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

11) Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда текширувлар ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, шунингдек, ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун вазирлик ва идоралар, шунингдек, бошқа давлат ташкилотлари вакиллари жалб этиш;

12) текшириш давомида аниқланган ҳолатларни ўрганиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимларини, шунингдек, жисмоний шахсларни чақириш, қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

13) Агентликнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамаси, Туризм ва спорт вазирлиги, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларига кўриб чиқиш учун киритиш;

14) Агентликнинг таркибий бўлинмаларида, ҳудудий бошқармалар идоравий мансуб ташкилотларда ички назорат, коррупцион ҳуқуқбузарликлар ва қонунларга зид бошқа ҳаракатлар, шунингдек, Агентлик тизими ходимлари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш ва уларни минималлаштириш ҳамда профилактикасини амалга ошириш;

15) Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

16) Агентлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифода этиш;

17) ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

18) Агентлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратиш;

19) соҳани ривожлантиришга оид долзарб ва истиқболдаги муаммолар

ечимини ишлаб чиқиш мақсадида, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳларни тузиш;

20) Агентликнинг ваколатига кирувчи масалаларда судларга аризалар ва даъволарни киритиш;

21) ўз ваколати доирасида моддий маданий мерос соҳасида рухсат этувчи ҳужжат асосида амалга оширадиган юридик шахсларга аниқланган қонунчилик талаблари бузилишларини бартараф этишни юқловчи кўрсатмалар бериш;

22) Агентликнинг ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг давлатга тегишли мол-мулкни ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бир таркибий бўлинмадан бошқа таркибий бўлинмага ўтказиш;

23) Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

24) моддий маданий мерос бўйича буюртманомаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш;

25) ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва уни қонунда белгиланган тартибда судга юбориш;

26) Агентлик ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқишда Туризм ва спорт вазирлиги, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

27) уста-реставраторларга малака сертификатларини бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш;

28) ўз ваколати доирасида хорижий давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш ва сақлаш;

29) қонунчиликда белгиланган тартибда Жамғармани шакллантириш;

30) Агентлик ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

31) бюджетдан ташқари маблағларни ҳамда Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари депозит ҳисобварақларида жойлашган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларида миллий ва хорижий валютада жойлаштириш. Бунда маблағларни жойлаштиришдан олинган даромад Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари бюджетдан ташқари ҳисобварақларига ушбу даромадлар моддий-техник базани такомиллаштиришга, ижтимоий ривожлантиришга, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирилган ҳолда ўтказилади;

32) Агентлик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли тузилмаларни ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш;

33) давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирга риоя

қилиш шарти билан текширув ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, давлат органларининг электрон базаларидан (банкларидан) фойдаланиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудларига ва биноларига кириш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Агентлик:

ўзига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши, шунингдек, моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилиши;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши, прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, Агентлик томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

2-§. Агентлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

20. Агентликнинг марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан Агентликнинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган, таҳлил қилиш ва ишлаш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

2) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига, шунингдек, соҳанинг барча субъектларига ҳамда уларнинг мулкдорларига (балансда сақловчиларга) соҳасида аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

3) тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

4) Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни давлат бошқаруви органларидан ва ташкилотларидан ва уларнинг мансабдор шахсларидан бепул сўраш ва олиш;

5) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари иштирокида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказиш;

6) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Агентликнинг идоравий мансуб бошқа ташкилотлари раҳбарларига тезкор ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Агентликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

7) Агентликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, зарур бўлганда, Инспекция, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакилларини жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ва ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

8) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан улар киритган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қайта ишлаб чиқишни талаб қилиш, зарур бўлганда уларни қайта кўриб чиқиш учун қайтариш;

9) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Агентлик ва унинг раҳбариятининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишига оид фаолиятини ўрганиш ва текшириш;

10) Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг хоҳишига кўра ҳамда шартнома асосида жалб этиш;

11) моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасининг йиллик ҳамда истиқболли режаларини тасдиқлаш ва устувор йўналишларни белгилаш;

12) моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича чоралар кўриш;

13) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

14) қонунчилик ҳужжатларида Агентлик томонидан тартибга солинадиган соҳадаги масалалар мавзусида ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

15) Агентликка юкланган вазифаларни сифатли амалга оширишда ҳудудий бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини жалб этиш;

16) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш.

Агентлик марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Агентлик марказий аппарати:

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

соҳани ривожлантириш режалари, кутилаётган истиқболдаги ва жорий

кўрсаткичларга эришиш бўйича Агентлик бўлимларининг фаолиятини ташкил этиш;

Агентлик томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, Агентлик қабул қиладиган қарорларни сифатли тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар томонидан дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавоб беради.

5-боб. Агентлик раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

22. Қуйидагилар Агентлик директорининг (кейинги ўринларда — директор) асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Туризм ва спорт вазирлигининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, туризм ва спорт вазирининг топшириқларини бажариш;

5) ўз ўринбосарлари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

6) Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, соҳани ривожлантириш тенденцияларидан келиб чиқиб Агентлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-

тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонида, ««Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорига, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамлаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

9) Агентликда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

11) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентлари талабларига мувофиқ Агентлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишлаб чиқилишида, Вазирлар Маҳкамаси Раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

12) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

13) ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилиш, зарур ҳолларда давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда қарорлар қабул қилиш;

14) Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

15) ўз ўринбосарларининг фаолияти натижадорлиги ва самарадорлигини тизимли равишда танқидий ўрганиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, ҳисоботлар якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

16) Агентликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

17) Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

18) Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

19) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

20) Агентлик ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

21) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш-

га доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

22) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналаридан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

23) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

24) Агентлик таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни, лавозим йўриқномалари, ҳудудий бошқармалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотларнинг низом ва уставларини ҳамда Агентликнинг бошқа локал ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

25) Агентлик марказий аппарати ходимларини (директор ўринбосарларидан ташқари) тайинлаш, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларини туризм ва спорт вазири билан келишган ҳолда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш;

26) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, қарорлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

27) ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг штатлар жадвалини, даромад ва харажатлар сметасини, шунингдек, Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларнинг штатлар жадвалини, даромад ва харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

28) Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Агентлик тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни туризм ва спорт вазирига киритиш;

29) меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни шартнома асосида Агентликка ишга жалб этиш;

30) Агентликнинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қонунчи-

лик ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган буйруқлари ва қарорларини (кўрсатмаларини) бекор қилиш;

31) алоҳида ўзини кўрсатган ходимларни уларга давлат мукофотлари бериш учун уларнинг номзодларини белгиланган тартибда тақдим этиш;

32) Агентлик фаолиятига оид соҳаларда халқаро ва ҳукуматлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро тадбирларда иштирок этиш;

33) зарурат бўлганда, туризм ва спорт вазирининг буйруғи асосида Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари балансида бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг қўриқланилишини таъминлаш учун қоровуллар штатларини киритиш;

Директор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларига ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Қуйидагилар Агентлик директори ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

а) Агентлик директорининг биринчи ўринбосари:

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ва музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши бўйича сертификат бериш ва реализация қилишни мувофиқлаштириш, маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, уларнинг тоифасини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

б) Агентлик директори ўринбосари — бош меъмор:

узлуксиз равишда илмий-техник назорат қилиш, тарихий-маданий экспертиза ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тарихий-маданий қимматга таъсири бўйича экспертизасини амалга ошириш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг паспорти, бошқариш режаларини, режими, қўриқланадиган теграларини белгилаш, ушбу ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

тарихий жойларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга тавсия этиш, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умум-

жаҳон мероси қўмитаси тавсияларининг мамлакат ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

в) Агентлик директори ўринбосари:

моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, Моддий маданий мерос объектларининг давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, қўриқланадиган теғраларини белгилаш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, соҳани рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

моддий маданий мероснинг қўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, буюртмачи функциясини бажариш;

г) умумий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

директор вақтинча бўлмаганда директорнинг буйруғи асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармониغا, «Ijgo.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сонли қарорига, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамла-

ниши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳайъати, туризм ва спорт вазири ва Агентлик директорининг қарорлари, буйруқлари, фармойишлари ва топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Агентлик директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси апаратига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда директорнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларига чиқиш ва бўлиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари раҳбар-

лари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш;

Агентлик фаолиятига оид тегишли масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш ҳамда ушбу соҳалардаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Агентлик директорига киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни директорга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир таклифларни директорга киритиш;

давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва кўрсатилиши сифатини ошириш ҳамда «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналаридан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

24. Қўйидагилар Агентлик таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Агентлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармониغا, ««Ijgo.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши чора-тадбирларини кўриш;

6) Туризм ва спорт вазирлиги ҳайъати қарорлари, туризм ва спорт вазири, Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари қарорлари, буйруқлари, фармойишлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Агентликнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти соҳасига оид масалалар бўйича амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда директорнинг мутасаддилик қилинадиган ўринбосарларига таклифлар киритиш, профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Агентлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентлари талабларига мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларига чиқиш ва бўлиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, ҳисоботлар яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

14) Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

15) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

16) соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир таклифларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

17) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни

ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналаридан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

19) давлат сири сирасига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

25. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

26. Агентлик директори:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун; ушбу Низомнинг тегишли бандларида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг тегишли бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

27. Директор ўринбосарлари:

Агентликнинг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг тегишли бандларида назарда тутилган Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг тегишли бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

28. Агентлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши учун;

ушбу Низомнинг тегишли бандларида назарда тутилган Агентлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг тегишли бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

29. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг жавобгарлиги Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

1-§. Агентлик раҳбарияти

30. Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари туризм ва спорт вазирининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

31. Агентлик директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари директорнинг биринчи ўринбосарига юклатилади.

32. Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра туризм ва спорт вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

33. Агентлик марказий аппарати, таркибий бўлинмалари ҳамда агентлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

34. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари туризм ва спорт вазири билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

35. Агентлик директори Агентлик марказий аппаратининг бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг низомларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Ҳудудий бошқармалар низомлари Туризм ва спорт вазири томонидан тасдиқланади.

2-§. Агентликнинг Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

36. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, Туризм ва спорт вазирлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалар ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

37. Агентликнинг Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги бевосита Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари томонидан таъминланади.

38. Агентликнинг Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Туризм ва спорт вазирининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар вазир ўринбосари томонидан келишмовчиликларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, сўнгги қарор бевосита туризм ва спорт вазири томонидан қабул қилинади.

3-§. Агентликнинг кенгаши, маслаҳат ва эксперт органлари

39. Агентликда унинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи директорнинг ўринбосари (кенгаш раиси), Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат Тармоқ илмий-техник кенгаши Агентлик директорининг буйруғи билан ташкил этилади.

Тармоқ илмий-техник кенгаши низоми ва унинг шахсий таркиби Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

40. Агентликда директор буйруғи билан кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

Агентликда тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Инспекция билан келишилган ҳолда Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

8-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

41. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиб борилади.

42. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

43. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезони Агентлик директори томонидан белгиланади.

9-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш

44. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

45. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, илмий даражалар, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақлар, байрам кунлари учун мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан, рағбатлантириш тўловлари, қўшимча моддий рағбатлантириш тўловларидан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

46. Агентлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар директор томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

47. Қўйидагилар Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

илмий тадқиқотларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ажратилган грантлар;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига ташриф буюришдан ва уларга уюштирилган экскурсиялардан тушган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

48. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига:

Агентлик ходимларининг иш ҳақларини тўлаш ва моддий рағбатлантиришни амалга оширишнинг манбаи бўлиб меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, Жамғарма маблағлари, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бош бошқармалари учун белгиланган Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тегишлича татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармониға мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш махсус фонди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан белгиланган лавозим маошларига 20 фоизли устама ҳақ татбиқ этилади.

49. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда лавозим маошиға нисбатан коэффицентларда):

1 дан 3 йилгача — 0,2;

3 дан 5 йилгача — 0,5;

5 дан 10 йилгача — 0,7;

10 дан 15 йилгача — 0,9;

15 дан 20 йилгача — 1,1;

20 дан юқори — 1,4.

Кўп йиллик ишлаганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини Агентлик раҳбари томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади.

Ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан белгиланадиган, лавозим маошидан (рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча тўловлар;

хар ойлик йўлкира учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўловлар, хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлардан ташқари;

хар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тўловлар;

Агентлик ва унинг бошқармалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасида белгиланган байрамларда қўшимча мукофот пули берилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

Бундан ташқари, Агентлик директори томонидан махсус ва шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

50. Агентлик ходимларининг асосланган аризасига асосан Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентлик директорининг буйруғи билан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда — ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нуسخасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ҳодиса, тўй ва бошқа маросимлар муносабати билан, узоқ муддатли касаллик сабабли махсус даволаниш ва соғлиқни қайта тиклаш учун, шунингдек, оиладаги оғир моддий аҳвол сабабли ва бошқа ҳолатлар).

51. Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат назоратини бевосита амалга оширган Инспекция, Агентлик ва унинг бошқармалари ходими:

маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолатда, суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 100 фоизи миқдорида;

жиноят аниқланган ҳолатда, суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваригача миқдорда мукофотланади.

52. Агентлик бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддат узлуксиз хизмати, унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади.

10-боб. Агентликнинг ҳисобот бериши

53. Директор мунтазам равишда Агентликнинг фаолияти тўғрисида Туризм ва спорт вазирлигига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

54. Туризм ва спорт вазирлиги Агентлик раҳбарларига юкланган вази-

фалар самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

55. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

56. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

57. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ**

616 «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3057, 2018 йил 20 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2018 й., 10/18/3057/1783-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 октябрь,
59-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

617 **Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062-1

Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюроаман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон буйруғи (рўйхат рақами 3062, 2018 йил 28 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3062/1808-сон) билан тасдиқланган Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати изоҳи 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ихтисослаштирилган малакали психиатрик тиббий ёрдам ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлмаган рухий ва хулқ-атвор бузилишлари кузатилган шахсларга уларнинг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги асосида (ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар учун уларнинг қонуний вакиллари томонидан маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги асосида) кўрсатилди».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 октябрь,
26-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

618 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 октябрь,
27-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил
8 октябрдаги 27-сон буйруғига
ИЛОВА

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги «жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш» деган сўзлар «соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 октябрда эълон қилинган.

2. 10-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аттестация «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ёки фармацевтика ходими учун ихтиёрийлик, шифокорлар учун мажбурийлик, даврийлик, холислик ва ошкоралик принциплари асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг (бундан буён матнда Палата деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудий бўлинмалари ҳамда Палата (бундан буён матнда аттестациядан ўтказувчи органлар деб юритилади) ҳузурида ташкил этиладиган ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари (бундан буён матнда аттестация комиссиялари деб юритилади) томонидан ўтказилади.».

3. 11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Аттестация комиссияларини ташкил этиш учун тегишлилиги бўйича Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) ёки Палата томонидан камида етти нафар аъзодан, шу жумладан аттестация комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда номзодлар рўйхати шакллантирилади.

Аттестация комиссияларининг таркиби Палата раиси томонидан тасдиқланади.».

4. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Палата ҳузурида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, олий тиббиёт таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий ҳамда илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, даволаш-профилактика муассасалари, тармоқ касаба уюшмаси республика кенгаши вакиллари киритилиши мумкин.

Ҳудудий бўлинмалар ҳузурида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари, олий тиббиёт таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий ҳамда илмий-амалий тиббиёт марказлари филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, даволаш-профилактика муассасалари, ҳудудий касаба уюшма бирлашмалари кенгашлари вакиллари киритилиши мумкин.».

5. 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари» деган сўзлар «Ҳудудий бўлинмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги» деган сўзлар «Палата» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги» деган сўзлар «Палата» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш» деган сўзлар «соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «худудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари» деган сўзлар «худудий бўлинмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Палата ҳузуридаги аттестация комиссияларининг доимий ишчи органи Палатанинг Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш бўлими ҳисобланади.

Доимий ишчи орган ходимларидан бир нафари аттестация комиссиялари йиғилишида қузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.».

9. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Худудий бўлинмалар ҳузурида ташкил этилган аттестация комиссияларида доимий ишчи органнинг вазифалари тегишлилиги бўйича мазкур худудий бўлинмаларнинг Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш бўлимлари томонидан амалга оширилади.».

10. 21-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Палата ва унинг худудий бўлинмалари ҳузурида ташкил этилган аттестация комиссиялари йиғилишларининг йиллик жадвали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти ва тизимидаги оммавий ахборот воситаларида январь ойининг ўн бешинчи санасига қадар эълон қилинади.».

11. 40-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги» деган сўзлар «Палата» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири» деган сўзлар «Палата раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш ҳамда сертификатлар расмийлаштириш учун талабгорлардан ундириладиган тўловлар Палатанинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.».

13. 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Худудий бўлинмалар ҳузурида ташкил этилган аттестация комиссиялари томонидан йиллик жадвал бўйича барча йиғилишлар ўтказилгандан кейин, бироқ кейинги йил январь ойининг ўн бешинчи санасидан кечиктирмасдан ўтказилган аттестация натижалари ҳақида Палатага ахборот тақдим этилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига берилган малака тоифаларининг ҳисоби Палата томонидан юритилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

619 Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3325*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 сентябрь,
54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
 молия вазирининг 2021 йил 21 сентябрдаги
 54-сон буйруғига
 ИЛОВА

**Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича
 ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида
 имтиҳонларни топшириш харажатлари қоплаб бериладиган
 бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва
 халқаро бухгалтер сертификатлари
 РЎЙХАТИ**

Т/р	Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар номи	Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро бухгалтерлар сертификатлари номи	Халқаро сертификатлар доирасидаги бухгалтерия ҳисобига тегишли фан ёки курслари номи
1.	Association of Chartered Certified Accountants (ACCA)	Association of Chartered Certified Accountants (ACCA)	Молиявий ҳисобот «Financial Reporting (FR)»; Халқаро молиявий ҳисобот дипломи «Diploma of International Financial Reporting (DipIFR)»; Аудит ва ишонч билдириш хизматлари «Audit and Assurance (AA)».
2.	Certified Institute of Management Accountants (CIMA)	Certified Institute of Management Accountants (CIMA)	Молиявий ҳисобот ва солиқ солиш «Financial Reporting and Taxation (F1)».
3.	Institute of Chartered Accountants in England and Wales (ICAEW)	Associated Chartered Accountant (ACA)	Аудит ва ишонч билдириш хизматлари «Audit and Assurance»; Молиявий ҳисоб ва молиявий ҳисобот «Financial Accounting and Reporting».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

620 «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон «Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18 Қ/К, 20, 13/КҚ-сон «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1962, 2009 йил 2 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон, 266-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 октябрь,
32-2021-сон

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 октябрь,
21-мн-сон

**Давлат тест
маркази директори**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 октябрь,
562-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 5 октябрдаги 59-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057-1.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 6 октябрдаги 26-сон «Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062-1.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 8 октябрдаги 27-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-6.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 21 сентябрдаги 54-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3325.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 октябрдаги 32-2021-сон, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 21-тн-сон ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2021 йил 10 октябрдаги 562-сон «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3057, 2018 йил 20 август).

2021 йил 11 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18 Қ/К, 20, 13/ҚҚ-сон «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1962, 2009 йил 2 июнь).

2021 йил 16 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

